Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 16 сентябрь, шанба • № 73 (10.749) • Эркин нархда сотилади

МИНТАҚАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА



Суратларда: семинар-кенгаш пайти.

С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

15 сентябрь куни Тошкентда Марказий Осиёда Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгаш-семинар иш бошлади.

Бу анжуманни ўтказиш ғояси Президент И. Каримовнинг БМТ бош ассамблеяси 48-сессиясида сўзлаган нутқида илгари сурилган эди.

Кенгаш-семинарда БМТ, ЕХҲК, Ислом Конференцияси Ташкилоти делегациялари, БМТ Хавфсизлик кенгашига аъзо мамлакатлар, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари, шунингдек, минтақага туташ давлатлар делегациялари иштирок этмоқда.

БМТ Бош котибининг махсус вакили Маҳмуд Мистирий семинарни очар экан, Ўзбекистон ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу анжуман 50 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлаш йўлида муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

Кенгаш-семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Анжуман иштирокчилари халқаро анъаналарга кўра Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловни кенгаш-семинарнинг президенти этиб сайладилар.

Шундан сўнг БМТ Бош котибининг махсус вакили М. Мистирий Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Бутрос Голийнинг Тошкент анжумани иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик Марказий Осиёда Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлаб Тошкентда ўтказилаётган кенгаш-семинар пешгирлик (превентив) дипломатияси ва воқеаларнинг олдини олиш жиҳатларини ўзида мужассам этганига эътибор қаратар экан, инсонларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, тинчликни қарор топтиришда унинг аҳамияти улканлигини, БМТ бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлашини айтди.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси вакили Дессо Норват Тошкент анжумани минтақада хавсизликнинг ишончли тизимини барпо этиш, бу ерда жойлашган давлатлар ўртасида иқтисодий интеграцияни кучайтириш, шунингдек, экология хавфсизлигини таъминлашдек муҳим масалаларни юзасида фикр алмашиш имкониятини яратгани билан аҳамиятли эканини таъкидлади. БМТ ва ЕХҲК томонидан қўллаб-қувватланган ушбу кенгаш-семинарда Марказий Осиё ва унга қўшни давлатлардан ташқари БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо мамлакатлар вакилларининг иштирок этиши Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва осойишталик ўрнатиш борасидаги амалий ўрни мавжудлиги тан олинганидан дарак беришини қайд этди.

Сўнгра анжуман иштирокчилари кенгаш-семинар якунловчи ҳужжатини тайёрлаш юзасидан махсус комиссия тузидилар.

Кенгаш-семинарнинг дастлабки куни кун тартибидаги масалалар юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтди.

Марказий Осиёда Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлаган кенгаш-семинар ўз ишини давом эттирмоқда.

***

Марказий Осиёда Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаш-семинарида иштирок этаётган айрим делегациялар аъзолари анжуман ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Маҳмуд МИСТИРИЙ, БМТ Бош котибининг махсус вакили:

—Ўзбекистон ҳукумати раҳбарияти ва мамлакат халқи минтақада, қолаверса, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшиш йўлида меҳнат қилмоқда. Шукурки, бугунги кунда минтақадаги бешта республиканинг хавфсизлиги ва ўзаро бир-бирини тушуниши борасида ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар йўқ. Лекин мазкур республикалар ташқарисида минтақадаги тинчлик ва барқарорликка хавф солувчи вазият мавжуд. Ўзбекистон ҳукуматининг нафақат ушбу беш мамлакат, балки, уларга қўшни бўлган бошқа давлатлар вакилларини ҳам ушбу кенгаш-семинарга таклиф этгани катта эътиборга молик. Чунки, айнан ушбу мамлакатлардаги вазият минтақа хавфсизлиги билан бевосита боғлиқдир.

Албатта, Тожикистондаги вазият ҳаммамизга яхши маълум, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мамлакатдаги келишмовчиликни бартараф этиш йўлида бор имкониятларини ишга солмоқда. Тожикистонга қўшни бўлган Афғонистонда эса аҳвол янада жиддийрок.

Бугун тинчлик ва барқарорлик ягона мақсадимиздир. Агар Афғонистонда тинчликка тўла эришилса, унга чегарадош мамлакатлар ва бутун минтақа хавфсизлигини таъминлаш мумкин. Шу боис муаммони ҳал этиш йўлларини қидириш, шу ерда яшайдиган, вазиятга аниқ баҳо бера оладиган кишилар, хусусан, Ўзбекистон Президенти жаноб Ислом Каримовнинг маслаҳатини, кенгашда иштирок этаётган бошқа давлатлар вакилларининг фикрларини эшитиш, муҳокама этиш учун бу ерга йиғилдик.

***

Дессо НОРВАТ, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти амалдаги раисининг махсус вакили.

— Кенгаш-семинарда муҳокама этилаётган масалалар Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти фаолиятининг устувор йўналишларини ўзида мужассам этади. Зеро, Марказий Осиё минтақасида хавфсизликнинг таъминланиши Европада тинчлик ва барқарорликни сақлаш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, минтақавий хавфсизлик масаласи бутун дунёда тинчликни таъминлаш масаласи билан узвий боғлиқдир.

Ушбу кенгаш-семинарни ўтказиш ташаббуси қўллаб давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган ва унинг юқори даражада ўтаётгани Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш ишида муҳим ўрин тутиши кенг эътироф этилганидан дарак беради.

***

Салмон ХУРШИД, Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар давлат вазири:

— Ҳиндистон ҳудуди Марказий Осиё минтақасига кирмайди. Лекин биз ушбу кенгаш-семинарда минтақанинг яқин қўшниси ва мазкур ҳудуддаги республикаларнинг ишончли ҳамкори сифатида иштирок этямиз. Ҳиндистон ҳукумати Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик сақланишини қўллаб-қувватлайди ва бундан манфаатдор. Зеро, Ҳиндистон қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлабгина қолмай, турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш сиёсатини олиб бормоқда. Шу боис, Марказий Осиё республикаларининг яқин қўшнилари ва ҳамкорлари — Туркия, Эрон, Россия, Хитой давлатлари минтақадаги барқарорликдан чуқур манфаатдор бўлгани каби, бу масала биз учун ҳам муҳимдир.

***

Нажмиддин ИСКАЛИЕВ, Қозоғистон Республикаси делегацияси раҳбари:

— Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликнинг таъминланиши, аввало шу минтақадаги давлатлар, жумладан, Қозоғистон учун ҳам ҳаётий долзарб масаладир. Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон давлатлари раҳбарлари ушбу масала юзасидан кўп марта фикрлашган ва минтақа хафсизлигини таъминлаш йўлида ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олган эдилар. Мазкур кенгаш-семинарни эса ушбу мақсадда амалга ошириладиган улкан ишларнинг бошланиши деса бўлади.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ТОШКЕНТ СЕМИНАР-КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам делегация бошлиқлари, Хонимлар ва жаноблар,

Сизларни қадимий Ўзбекистон диёрида чин дилдан қутлайман ҳамда Тошкент семинар-кенгашининг барча иштирокчиларига самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Сизларнинг юртимизга ташрифингиз минтақамиз тақдири учун катта аҳамиятга эга бўлган ушбу анжуманни ўтказиш имконини берди.

Мазкур учрашувимизнинг кўпгина яхши нишоналари бор. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги арафасида тўпланиб турибмиз. Бугунги анжуманни ўтказишга тайёргарлик ҳам айнан ана шу мўътабар ташкилотнинг ташаббусимизни маъқуллаши ва қўллаб-қувватлаши туфайли бошланган эди. Бизнинг ташаббусимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун жаноб Бутрос Бутрос Голийга миннатдорлигимизни айтишга ижозат бергайсизлар. Биз БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси томонидан кўрсатилаётган доимий ёрдам учун ҳам миннатдормиз.

Биз бу ерда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти делегациясини кутлашдан ҳам хурсандмиз. Кенгаш ташкилотчилари бу мўътабар ташкилот билан фаол ҳамкорлик қилишдан умидвордир.

Тошкент кенгашида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган давлатларнинг кўзга кўринган сиёсий вакиллари, Марказий Осиё билан чегарадош мамлакатларнинг салмоқли делегациялари иштирок этаётгани бизга бу кенгашни ўтказиш зарурлигига ишонч бағишлайди.

Биз Ўзбекистондаги бошқа давлатлар элчилари, шунингдек тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик йўлидаги фаолияти билан ҳурмат-эътибор қозонган олимларни ҳам самимий қутлаймиз.

Биз анжуманимиз ишида **Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ)** иштирок этаётганига ҳам катта аҳамият билан қарайимиз.

Ўзбек халқи анъаналари орасида қўшниларга ҳурмат-эътибор алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам мен Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон делегацияларни шаънига алоҳида самимий миннатдорлик сўзларини айтаман.

Уларнинг Тошкент анжуманида иштирок этиши — бизнинг Марказий Осиёдаги ахиллигимиз ва бирлигимизнинг ҳам қўллаб-қувватланиши, ҳам бу ахиллик ва бирликнинг энг ишончли далолатидир.

Минтақада вужудга келаётган вазиятни чуқур таҳлил қилиш, Тошкент учрашувида муҳокама қилиш учун минтақавий ва оламшумул аҳамиятга эга бўлган муҳим масалалар мажмуини белгилашдек меҳнатни ўз зиммасига олган экспертларга ҳам миннатдорлик билдириш ниҳоятда адолатли иш бўлур эди.

Биз Тошкент учрашуви мақсадларини жуда қисқа — бор-йўғи уч сўзда ифодалашга ҳаракат қилдик. Бу: Тинчлик, Барқарорлик, Ҳамкорлик сўзлари ҳеч кимда эътироз уйғотмаса керак.

Биринчиси — давлатлар ва халқлар ўртасидаги тинчлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, суверенитет ва мустақилликни сўзсиз тан олиш, куч ишлатишдангина эмас, куч ишлатиш билан қўрқитишдан ҳам тўла воз кечишдир.

Иккинчиси — сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг, ислоҳотлар олға силжиши ва амалга ошишининг, инсон ва жамият фаолиятининг барча соҳаларида тараққиётга эришишнинг муҳим шарти бўлган барқарорликдир.

Учинчиси — биринчи галда давлат ва жамият тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатларини рағбатлантирувчи ўзаро фойдали ва тенг ҳуқуқли шериклик асосида амалга ошириладиган иқтисодий интеграция жараёнларидан иборат ҳамкорликдир.

Ҳонимлар ва жаноблар!

Бугунги учрашувимиз — энг аввало, кўпгина давлатларнинг илғори минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг мантиқий натижаси ва қонуний давомидир.

Бугунги учрашувимиз арафасида ўтказилган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё давлатлари давлатлараро кенгаши вакилларидан ташқари 16 мамлакатдан келган экспертлар иштирок этган экспертлар кенгаши ҳам бу давлатларнинг Марказий Осиёнинг тинчлик, барқарорликда ривожланишидан манфаатдор эканини кўрсатди.

Тошкент анжумани илгари бу йўналишда ташланган қадамларни рад ҳам, тафтиш ҳам қилмайди. Аксинча, кўпгина экспертлар эътироф этганидек, уларнинг мазмунини бойитади, ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги шакллари учун шароит яратади.

Кўпгина экспертларнинг бир ярим ҳафта бурун бу ерда изҳор этган фикрлари унинг муҳим томонларини аниқлаб олиш имконини беради.

Энг аввало — бу ана шундай учрашувларнинг маслаҳат ва кенгаш тусида ўтишидир. Бизнинг назаримизда, бу шакл эркин фикр алмашув яхши шароит яратади, нуқтаи назарларни таққослаш ва бир-бирига яқинлаштириш, биргаликда ташаббуслар кўтариб чиқиш имконини беради.

Тошкент семинар-кенгаши бошқа халқаро ташкилотларга асло қарамақарши қўйилмайди ва уларнинг ишини такрорламайди.

Биз мазкур семинарни минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик тизимини ўрнатиш ва уни олға силжитиш йўлида, Марказий Осиё минтақаси давлатлари ва халқлари учунгина эмас, балки бутун минтақага чегарадош улкан ҳудуд учун ҳам жуда зарур бўлган ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам асосни шакллантиришда турли фикр ва ёндашувларни юзага чиқариш ва уларни бир-бирига яқинлаштиришдан манфаатдор бўлган анжуман деб баҳолаймиз. Буларнинг барчаси **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг барча қабул қилган ва барча томонидан эътироф этилган меъёр ва механизмлари доирасида бўлади.**

Ҳонимлар ва жаноблар!

Янги жамият қураётган, ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлида дадил олға бораётган Ўзбекистон учун, бошқа қўшни суверен давлатлар сингари, амалда давлат чегаралари бўлмаган мазкур минтақада тинчлик ва барқарорлик керак.

Бугунги кунда жаҳонда юз бераётган оламшумул ва минтақавий жараёнлар ўртасидаги узвий алоқа тобора кўпроқ эътироф этилмоқда. Оламшумул хавфсизлик ва умумий тараққиётга эришиш **минтақавий барқарорликни ўрнатиш ва бир-бирини англашга бевосита боғлиқ** экани барчага маълум.

Биз Марказий Осиё деб атайдиган, дунё қарийб юз йил давомида унутиб қўйган жўғрофий-сиёсий макон бугунги кунда ўзини янги сифати билан кўрсатмоқда ва бу дунёдаги беқарорлик ўчоғига айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Афғонистон ва Тожикистондаги воқеалар 60 миллион киши тақдирига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу мамлакатлардан келаётган хавф Марказий Осиё давлатлари учун энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Келинглар, минтақада тўпланган қуролларнинг катта захираси солаётган таҳлика, янги қурбонлар қидириб тарқалаётган наркобизнес, экология танглиги, аҳолининг наворатдан чиқиб кетган кўчиши, уюшган жиноятчилик ўрнида тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик Марказий Осиёдаги ҳақиқатга айланиши учун нима қилиш лозимлиги ҳақида ўйлаб кўрайлик.

Хавфсизликни таъминлаш бўйича энг оддий механизмларнинг йўқлиги, давлатлар ўртасидаги мунозарали масалаларни ҳал қилишдаги тарқоқлик воқеалар салбий тус олган тақдирда минтақадаги нисбий барқарорликни барбод қилиб, олдиндан билиб бўлмайдиган миқёсларда ҳалокатлар келтириб чиқаришга қодир.

Айни пайтда, можароли вазиятларни бартараф қилиш хусусида гапирар эканмиз, биз ҳаққоний бўлишимиз керак. **Бир туртки** билан Афғонистон ва Тожикистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш мумкин, деган фикр жуда жўн фикрдир.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, тинчликка қадам-бақадам, муҳолиф томонларга бир хилда мақбул келадиган муайян, аниқ бажариб бўладиган босқичлар орқали ҳаракат қилиш зарур.

Бизнинг назаримизда, тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш жараёни қуйидаги ўзаро узвий боғлиқ унсурлардан ташкил топиши лозим:

— низоларни бартараф қилишнинг босқичма-босқичлиги;

— барча манфаатдор томонларнинг мулоқата жараёнида иштирок этиши;

— томонларнинг бир-бирига ён бериш ва мурооса йўли билан бир-бири томон яқинлашуви;

— бу жараёнда БМТ, ЕХҲТ, ИКТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг фаол иштирок этиши ва хомийлик қилиши;

— ҳар бир мамлакат ҳудудий яхлитлигининг сақланиши;

— ташқаридан таъсир ўтказиш ва аралашувга йўл қўйилмаслиги;

— маҳаллий можаролар зоналарига қурол етказиб беришни қатъиян тақиқлаб қўйиш.

Ҳавфсиз дунё — умуман, бутун инсоният учун ҳам, ҳуқуқлари учун курашда озмунча найза синмаган ҳар бир инсон учун ҳам олий мақсаддир. Бугунги кунда жаҳондаги кўпгина минтақаларда юз бераётган, одамларни энг асосий ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилаётган қонли тўқнашувлар тўхтатилмас экан, инсон ҳуқуқлари ва инсоният тараққиёти соҳасида эришилган ютуқлар тўғрисида жиддий гапириб бўлмаслиги равшан.

Муҳтарам Тошкент анжумани иштирокчилари!

Биз саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириб, энг асосий қоида ҳозирги замон жамият тараққиётининг энг асосий бойлиги, ҳатто минтақада барқарорликни ўрнатишнинг муҳим шарти сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат-эҳтиромни мустаҳкамлашимиз мумкин ва керак. Биз сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни олға силжитишимиз, наркобизнес ва терроризмга, минтақавий ва жаҳон ҳамкорлиги жараёнлари ривожига ҳалақит берадиган барча иллатларга қарши курашишимиз лозим.

Хавфсизлик тушунчаси фақат ҳарбий соҳа билангина чегараланиб қолмаслиги кераклиги барчага маълум. Кейинги пайтда хавфсизликнинг сиёсий, иқтисодий, инсонийлик ва бошқа белгиларни ўз ичига оладиган ҳарбий бўлмаган жиҳатларини англаш анча кучайди.

Биз, экология ҳалокати марказига тушиб қолган Марказий Осиёда истиқомат қилаётган кишилар буни яхши тасаввур этамиз.

Мен атроф муҳит ва стратегик хавфсизлик муаммоларининг бир-бирига ўзаро таъсирига дахил бўлиб хизмат қилаётган Орол фожиасини назарда тутмоқдаман.

Оролнинг Европа марказларидан узоқда жойлашгани бу марказларнинг мазкур ҳалокат туфайли **ер биосферасида** юз бераётган бузилишлардан ҳимоясини кафолатламайди.

Ишончим комилки, бугунги кунда дунё миқёсига чиқган Орол муаммоси экология масалалари билангина чекланиб қолмайди. Бу шунингдек, инсониятнинг бир-бирига ҳамдардлиги ва бир-бири билан **ҳамкорлик қилиш** қобилиятини синовдан ўтказадиган маънавий муаммо ҳамдир.

Ҳонимлар ва жаноблар,

Энди анжуманимизнинг концептуал томонларининг қисқача баёнига ўтишимга ижозат бергайсиз.

Биринчидан. Минтақавий ва оламшумул миқёсларда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги механизмини ишлаб чиқиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

БМТ, ЕХҲТ, ИКТ, МДҲ ва бошқа халқаро ташкилот ва бирлашмалар хавфсиз тинчликка эришиш йўлида ўз саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириши лозим.

Шуни эътироф этиш керакки, Марказий Осиёда бунга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Давр хавфсизликнинг яхлитлиги ҳамда **энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган иш** сифатида уни таъминлаш воситалари муаммосини шакллантириди.

Иккинчидан. Хавфсизлик ва барқарорликка эришишнинг энг муҳим шарти сифатида коммуникациялардан оқилона фойдаланиш ҳақида гапириш лозим.

Учинчидан. Инсон ва ҳам сонли миллатлар ҳуқуқлари, уларнинг хафсизлиги кафолатини, ижтимоий қадриятлардан тенг баҳраманд бўлиши кафолатларини таъминлаш, терроризм ва наркобизнесга қарши кураш соҳаларида ҳамкорликка доир маълумотларни марказлаштирувчи ягона ахборот тизимини яратиш зарурати ҳам етилди.

Бизнинг назаримизда шу мақсадда ЕХҲК ҳомийлигида минтақада ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликка эришишнинг энг муҳим масалалари бўйича эксперт тавсияларини ишлаб чиқадиган **бирлашган ахборот фонди** ташкил этилса ёмон бўлмас эди.

Стратегик масалаларни ҳал қилиш технологияси сиёсий ирода ва яхши ҳисоб-китобдан ташқари, қадимий Осиё мутафаккирлари барча ишлардан устун қўйган муносабатлар илми соҳасидаги кенг билимларнинг қўлланишини ҳам тақозо этади.

Тўртинчидан. Замонавий сиёсат рақобат руҳи билан суғорилган.

Мен сиёсатда шундай рақобат тарафдориман, бу рақобат хавф-хатарсиз тинчликка интилиши билан ўзини оқлайди.

Мен хавфсизлик ва тинчлик учун курашда устунлик берадиган янги ғоялар, технологиялар ва фикрларни ишлаб чиқаришга мажбур қиладиган шундай рақобат тарафдориман.

Назаримда, бизнинг Тошкент анжуманининг кейинги кенгашларини Алмати ёки Душанбе, Ашхобод ёки Бишкекда ўтказиш ҳамда унда иштирок этиш учун тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик учун курашаётган барча давлатларни таклиф қилиш ҳақидаги фикр ҳеч кимни ажаблантирмаслиги керак.

Ҳонимлар ва жаноблар!

Жаҳондаги ҳозирги вазиятга икки принципиал ҳол хосдир:

— Биринчиси, бўхрон ва зиддиятларни енгиллаштирадиган икки томонлама алоқаларни ҳар томонлама рағбатлантириш;

— Иккинчиси, инсоният тизими учун умумий мақсадларни ишлаб чиқиб, алоҳида ўрин тутадиган БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар нуфузини эътироф этишдир.

Бу тузилмалар барпо этган халқаро муносабатларнинг асосий қоидалари кейинги мураккаб ўн йилликлар давомида ўзининг ҳаётбахшлиги ва ҳар томонлама амал қила олишини исботлади.

Ихтиёримизда мураккаб баҳс ва зиддиятларни матърифий йўл билан ҳал қилишнинг мана шундай синаган механизмлари борлиги — катта омаддир.

Энди иш сиёсатчиларга боғлиқ.

Тақдирини бизга ишониб топширган халқлар инсон ва давлат хафсизлиги билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда изчиллик ва масъулиятимизга, донолигимиз ва сабр-бардошимизга умид қилади.

Ишончим комилки, Тошкент семинар-кенгаши БМТ **дунё учун кун тартибига** киритган масалаларни ҳал қилишда муносиб ҳисса бўлади. Шу йўл билан Марказий Осиё **сайёрамизда** тинчлик ва хавфсизликка эришишга қаратилган инсоният ақлийлиги ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар майдонини кенгайтиради.

Мазкур анжуман иштирокчиларига омад ва самарали иш, ҳамжиҳатлик ва муваффақиятлар тилайман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни мамлакатимизнинг улкан фан ва маърифат масканларидан бири — Тошкент Давлат университети ташкил этилганлигининг 75 йиллиги билан самимий муборакбод этаман.

Она юртимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида, халқимизнинг маърифий ва маънавий камолотга эришувида бу илм даргоҳининг муносиб ҳиссаси бор. Университет олимлари, ўқитувчилари жамоасининг фан ва таҳсил соҳасидаги юксак савияси, саъй-ҳаракатлари, илмий тадқиқотларнинг самарадорлиги халқ хўжалигининг тараққиётида, маданиятимизнинг ривожида, олий таълим тизимларининг шаклланишида катта омил бўлди. Туркистон заминида ўнлаб илмий мактабларнинг вужудга келишида ҳақиқий бешик вазифасини бажармоқда.

Бу ерда камол топган замонавий касб маҳоратига эга бўлган малакали кадрлар нафақат Ўзбекистоннинг, балки қадимқадимдан қон-қардош бўлган Марказий Осиё халқлари турмуш фаровонлигини оширишдек бунёдкорлик ишларида ўз улушларини қўшмоқдалар.

Кўпмиллатли ҳудудда биродарлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик ғояларининг ҳаётбахш кудратини намойиш этиб, халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлашда ташаббус кўрсатмоқдалар. Университет кўплаб хорижий давлатлар ёшлари учун ҳам билим ва ихтисос ўчоғига айланган.

Сизлар мустақиллигимизнинг бешинчи йилига қадам қўйган мамлакатимиз илм-фанининг ривожига, замонавий малакага эга бўлган мутахассислар етиштиришга бор билимларингиз, иқтидорингиз ва тажрибаларингизни сафарбар этишингизга ишончим комил. Ўйлайманки, буюк истиқболимизни яратувчи ўктам ва шижоатли йигит-қизларимиз фан чўққиларини, халқимизнинг буюк маънавий-маърифий салоҳиятига, умуминсоний қадриятларига таянган билим асосларини мукаммал эгаллайдилар, давлатимиз равнақи йўлида ҳормай-толмай фарзандлик бурчларини адо этадилар.

Ана шу эзгу мақсад йўлида, азиз дўстлар, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, улкан муваффақиятлар тилайман. Сизларга ҳамиша ғайрат, матонат, ташаббускорлик ёр бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИГА МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси жамоатчилиги, ТошДУ олимлари, профессор ва ўқитувчиларининг истакларини инобатга олиб, Тошкент Давлат университетига Шарқнинг буюк олими ва мутафаккири Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарағай Улуғбек) номи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 сентябрь.

ХИРМОНИНГИЗГА БАРАКА, АЗИЗ ПАХТАКОРЛАР

Тошкент вилояти ҳокимлиги, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририятлари ҳамкорлигида пахта йиғим терими мавсумини ёритиб бориш юзасидан тезкор матбуот штаби ташкил этилди

ВИЛОЯТИМИЗДА пахта йиғим-терими қизғин паллага кириб бормоқда. Вилоят, туман ҳокимликлари ва хўжаликларда етиштирилган ҳосилни ҳушюқочлик билан нобудгарчиликсиз йиғиб-териб олиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди. Жойларда мавжуд ишчи кучларини теримга тўла сафарбар этиш, машина ва механизмлардан юқори унум билан фойдаланиш юзасидан катта ташкилотчилик ишлари олиб борилмоқда.

Тошкент вилояти ҳокимлиги, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририятлари пахта йиғим-терими мавсумини кенг ёритиб бориш, туманлар ва хўжаликлардаги тажрибалар, ташаббусларни оммалаштириш, пахтазор илғорларини газетхонларга таништириб бориш, айни вақтда мавсумда йўл йўлакаётган камчиликлар ва муаммоларни ҳолисона таҳлил этиш мақсадида тезкор матбуот штабини ташкил этди.

Ўйлаймизки, жойлардаги жамоатчи мухбирларимиз, ҳокимликлар ходимлари, хўжаликлар, қишлоқ фуқаролари йиғинлари фаоллари ўзларининг тезкор хабарлари, турли мавзудаги мақолалари, репортажлари билан матбуот штабида фаол иштирок этадилар. Албатта бу хайрли ишдан ёзувчи ва шоирларимиз ҳам четда турмайдилар. Уларнинг очерк, лавҳалари, йиғим-терим илғорлари ҳақидаги публицистикалари билан дала меҳнаткашларига маънавий мадад бўладилар, деган умиддамиз.

Вилоят ҳокимлиги, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририятлари ҳузуридаги тезкор матбуот штабининг телефонлари:

33-40-48, 33-64-95, 33-90-82, 33-02-92, 33-38-41, 39-12-93.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1995 йил 15 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ


(фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бекобод	**2,18**	**8,76**
Янгийўл	**1,25**	**8,31**
Чиноз	**1,14**	**6,61**
Оққўрғон	**1,28**	**6,34**
Ўртачирчиқ	**1,50**	**6,20**
Бўка	**1,51**	**5,92**
Пискент	**0,95**	**5,08**
Қуйичирчиқ	**0,50**	**2,58**
Юқоричирчиқ	**0,14**	**0,67**
Вилоят бўйича:	**1,24**	**5,77**

17 сентябрь — Ўрмон ходимлари куни

ОНА ТАБИАТ БЕРГАН МУҲАББАТ



Мустақил республикамиз ўрмон хўжалиги ходимлари эртага ўзларининг касб байрамларини нишонлайдилар.

Ўрмончилар орасида ҳам «Яшил бойлик» яратишдек машаққатли ва шарафли касб фидойилари, элим деб, юртим деб ёниб яшаётганлар оз эмас. Ана шундай ажойиб инсонлардан бири Абдураҳмон ЮСУПОВдир.

АБДУРАҲМОННИНГ ўрмончи бўлишига табиатнинг ўзи сабабчи бўлди. У Тошкент денгизи соҳилидаги она қишлоғида ўтган ёшлик даврларини эслаб, бениҳоя қувонади. Уйлари ўрмон хўжалигига туташиб кетган. Ўшанда у мактабда ўқиб юрарди. Йўловчи машинадан тушиб қолиб шикастланган бир туп ўрик ниҳолини ҳовли ўртасига авайлаб экиб қўйгани ёдида. Икки шоҳи қовжираётганида унинг танасига лой суртиб, латта билан боғлаб қўйганди. Новда қайта жонланиб, барг ёзди. Ҳозир эса у серсавлат катта бир дарахт. Мевасидан ҳамма баҳраманд.

Табиатга бўлган меҳр-ихлос Абдураҳмон Юсуповни Тошкент Давлат аграр университетига етаклади. У ерда ўрмончилик ихтисослиги бўйича таълим олди, билим оширди. Дастлаб «Ангрен» ўрмон хўжалигида иш бошлади. Ҳозир эса М.Исамуҳамедов номидаги Тошкент ўрмон хўжалигининг Туябўғиз ўрмон бўлимига раҳбарлик қилмоқда. У оилалик. Турмуш ўртоғи Одинахон билан уч фарзандни вояга етказишяпти.

— Отам Мамасолининг қимматли маслаҳатлари мени эзгулик сари етаклади, — дейди мамнуният билан А. Юсупов. — Бугунги кунда бўлимимизда амалга ошириалаётган ишлар кўлами кенг. Истиқболга комил ишонч билан боқаяпмиз. Ахир ўлкамизни боғу-роғларга буркашдан ҳам хайрлироқ иш борми ўзи?!.

Бошлиқ жамоадаги ишларни бирма-бир тилга олди. Икки йил ичида тераксорлар 14 гектар майдонга кенгайди. Эски қайрағочлар ўрнида 8 гектарлик тераксор барпо этиш режалаштирлган. Америкадан келтирилган Колифорния тераги ҳозир иморатбоп бўлиб қолган. Бу йил 50 минг туп терак кўчати етиштирилаяпти. Бундан ташқари 10 минг туп шафтоли, 3 минг туп ўрикнинг «Арзами» нави, ёнғоқ кўчатлари парвариш қилинмоқда. Олма кўчатлари етиштириш муаммоси ҳам ҳал бўлиш арафасида.

Келгусида ёғоч тилиш цехини қуриш ва ишга тушириш вазифаси турибди. Бу хайрли ишни бажариш Пардабой Бегматов бошлиқ жамоа зиммасига юклатилган. Бу ерда эшик, ром, қурилишбоп жиҳозлар тайёрланади.

Ўрмончиларнинг яхши ишлаб, яхши яшашлари учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Беш кишининг турар-жойи хусусийлаштириб берилди. Ўрмон ходимларига имтиёзли равишда иморатбоп ёғоч материалларини сотиш йўлга қўйилган. 16 та хўжалик табиий газ, тоза ичимлик сув билан таъминланган. Ходимларга арзон нархларда шоли, буғдой, пиёз ва бошқа озиқ-овқат моллари мунтазам етказиб берилмоқда. Касаба уюшмаси эса одамларни йўлланмалар билан таъминлаб келмоқда.

Аҳолини қишин-ёзин турли нознеъматлар билан таъмин этиш учун иссиқхона қурилишига киришиш ҳам ижтимоий ҳимоя дастуридан жой олган.

Бўлимда ўз касбининг устаси бўлган тадбиркор ўрмончилар меҳнат қилишади. Боғбонлар Рўзимат Юсупов, Бахтиёр Ниёзов, Йўлчи Абдураҳмонов, Мирсобит Акбаров, тракторчилар Қодир Бозоров, Ғулом Собиров ва бошқалар ана шундай фидойи кишилардир.

Эртага ўрмончиларнинг анъанавий касб байрами. Биз уларни қутлуғ айёмлари билан табриклаб, эзгу ва хайрли ишларида каттадан-катта зафарлар ва омад тилаб қоламиз.

У.ҲАМИДОВ.

Газета — газетхон

Босилмаган хатлар изидан

УЙ МУБОРАК!

«Ҳурматли таҳририят, маслаҳатингизга муҳтож бўлиб ушбу хатни ёзаяпман. 1973 йилдан буён болалар касалхонасида ишлайман. Турмуш ўртоғим вафот қилганига етти йил бўлди. 3 та болам билан ётоқхонада яшайман. Хоналар зах, шароит яхши эмас. Уй олиш учун эса тўққиз йилдан буён навбатда турибман. Қачон уйли-жойли бўларканман деган умид билан ўша кунни орзиқиб кутаман. Лекин мендан кейин турганлар аллақачон уй олишган бўлса ҳам менга сира навбат етмаяпти. Ахир Президентимиз Ислом Каримов бизга ўхшаган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга зарур имтиёзлар яратиш кераклиги ҳақида таъкидлаганлар-ку. Илтижоим кам таъминланган оила сифатида уй олишимда ёрдам берсангиз».

Турдихон БЕКБЎТАЕВА,
Олмалиқ шаҳри, V-II микрорайони, 19-уй, 2 хона.

Ушбу мактубни ўрганиш учун шаҳар ҳокимлиги эътиборига юборган эдик. Яқинда у ердан ҳоким Ю. Беланов имзоси билан жавоб хати келди.

«Т. Бекбўтаеванинг «Тошкент ҳақиқати» газетасига ёрдам сўраб ёзган хатини синчиклаб ўрганиб чиқдик. У иш жойидан Олмалиқ худудий-тиббий бирлашмасига уй шароитини яхшилаб беришни сўраб 1987 йил 11 июнда ариза ёзган ва янги уй олувчилар рўйхатида навбатда турган. 1995 йилда унинг навбати еттинчи ўринга кўтарилган. Ҳокимлик яқинда фойдаланишга топширилаётган янги 26-уйдан Олмалиқ худудий-тиббий бирлашмасига 14 та квартира ажратди. Уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлими мудири О. В. Скачкова Т. Бекбўтаева билан суҳбатлашди. Шундан сўнг бирлашма маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти Т. Бекбўтаевага шу уйдан икки хонали квартира ажратиб берди».

***

● «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти ўзига ёрдам сўраб мурожаат қилган оиланинг мушкули осон бўлганидан мамнун бўлган ҳолда уни уй-жой билан таъминлашни тезлаштирган Олмалиқ шаҳар ҳокимлигига миннатдорчилик билдиради ва муҳтож оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш янада кучайтирилади, деб ишонади.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

14 сентябрда «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазма марказида Ҳиндистон савдо кўргазмаси очилди

Ҳиндистон савдони ривожлантириш ташкилоти «Индия тред промешн организейшн», Тошкентдаги Ҳиндистон элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Ўзэкспомарказ» РСКМ ҳамкорликда ташкил этган ушбу кўргазманинг асосий мақсади Ҳиндистон компаниялари ишлаб чиқараётган турли хил маҳсулотларни ўзбек халқига намойиш қилиш ва маҳаллий ишбилармонлар билан алоқани ривожлантириш, савдо сотиқни ташкил қилишдан иборатдир. Ушбу кўргазмада Ҳиндистоннинг 60 га яқин етакчи компания ва фирмалари иштирок этмоқдалар.

Мамлакатда машҳур бўлган «Марутуўейн», «Белко», «Пирлоскар», «Юник», «Уша интерконтиненталь Индиялтд» каби компаниялари ўзлари ишлаб чиқараётган турли хил енгил, ҳарбий юк машиналарини, уларнинг таркибий ва эҳтиёт қисмлари, зич ёпиладиган компрессорлар, насослар, химикатлар, кир ювиш воситалари, дори-дармонлар, пластмасса маҳсулотлари, ип, ип ва ипак газламалар, чарм, озиқ-овқат маҳсулотлари, госпиталь асбоб-ускуналари, халқ истеъмоли моллари каби маҳсулотларни намойиш қилишади. Ҳиндистон савдони ривожлантириш ташкилотининг бош бошқарувчиси жаноб Кумарнинг айтишича, мазкур кўргазма икки буюк давлатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлайди ва ҳиндистонлик ишбилармонлар кўргазмадан ижобий натижаларни кутишмоқда.

Кўргазма 20 сентябргача давом этади.

М. ИСМОИЛОВА,
«Ўзэкспомарказ» ходими.

ХАЙРЛИ, САВОБЛИ ИШЛАР

Бир йилдирки, республика Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида кам таъминланган ва муҳтож фуқароларга ой сайин ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Ижтимоий муҳофазанинг бу тури шу пайтгача МДҲдаги бирорта мамлакатда қўлланилган эмас. У фақат бизнинг республикамиздагина амалга оширилмоқда.

Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам белгилаш ва тўлаш маҳалла қўмиталари томонидан олиб борилаётгани ҳам эътиборга сазовордир. Давлатимиз ўз-ўзини бошқариш органларига нисбатан ишончни тобора оширмоқда. Зеро, маҳалла қўмиталари ўз худудларида яшаётган оилаларнинг турмуши, моддий аҳволи қандайлигини, улар нималарга муҳтож эканликларини жуда яхши биладилар. Қайси оиланинг қийин аҳволга тушиб қолгани сабаблари ҳам шу ердагиларга маълум. Ана шу сабабли давлат бюджетидан ой сайин ажратилаётган маблағни ёрдам сифатида камхарж оилаларга тақсимлаш вазифаси маҳалла қўмиталари зиммасига топширилгани айни ҳаққоний иш бўлди. Булардан ташқари, фармон кучга киргач, кишиларнинг бир-бирларига бўлган оқибати ўзгариб, қўни-қўшнилар, маҳалла аҳолиси бир-бирларидан хабар олиб турадиган, агар моддий жиҳатдан қийналиб қолган кишилар бўлса, улар ҳақида дарров фуқаролар йиғинига мурожаат қиладиган бўлиб қолдилар.

Қишлоқ кенгаши ўз худудидаги ёрдамга муҳтож кам таъминланган оилаларни рўйхатга олиб, давлат бюджетидан ажратилган маблағларни расамади билан улар ўртасида тақсимламоқда. Айниқса, вояга етмаган фарзанди бўлган кўп болали оилалар, кам нафақа олаётган пенсионерлар, ногиронлар, ишсизлар, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз яшаётган пенсионерлар алоҳида эътиборга олинган. Жумладан, иккинчи гуруҳ ногирони — Л. Мелишенко, ёлғиз яшаётган нафақахўрлар — М. Камолова, В. Баринова, йўл-қурилиш участкасининг ишчиси, беш нафар фарзандини ёлғиз ўзи вояга етказаётган Х. Янборисова, уч фарзанднинг онаси, энг кам миқдорда иш ҳақи олаётган Г. Садриева ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллиги арафасида кам таъминланган ҳар бир оилага бериладиган моддий ёрдам миқдори кўпайиб, 375-750 сўмга етди. Бу ҳам бўлса ҳукуматимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатишни янада кучайтириш юзасидан амалга ошираётган тадбирлари самарасидир. Давлатимизнинг муҳтож кишиларга алоҳида эътибор билан қараётганлиги халққа кўрсатаётган ғамхўрлигининг яққол тимсолидир.

Н. ТИРКАШЕВ,
Янгийўл туманидаги А. Ортиқов номли фуқаролар йиғини раиси.

Сўраган эдингиз...

ҲАСАНГА БОР, ҲУСАНГА-ЧИ?

Мен Тошкент туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигидаги «Чаманзор» кўчаси 50-уйда яшайман. 11, 10, 8 ёшли фарзандларим бор эди. Шу йил 22 февралда эгизак — Ҳасан-Ҳусанли бўлдим. Ҳозир беш боланинг онасиман. Ҳукуматимиз фарзанд туғилгач, икки ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда 250 сўм ажратган эди. Мен шу пулни олиш учун борган эдим. Бу нафақа пули фақат бир болага тўланади, дейишди. Яъни — Ҳасанга. Ҳусанга нима учун пул тўланмайди. Сизлардан илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Ҳурмат билан кўп болали она Клара Тусаметова.

Биз Тошкент вилояти ижтимоий-таъминот бошқармаси бошлиғи Н. НАЗИРОВдан бу саволни шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

— Ҳақиқатан ҳам фарзандли бўлган оилага 250 сўмдан нафақа ажратилган эди. Сентябрь ойидан бошлаб бу пул 350 сўмдан бериладиган бўлди. Бу нафақа онанинг фарзанд билан уйда ўтиргани учун ажратилганлиги сабабли фарзанд нечта туғилишидан қатъий назар ҳар ойда фақат 350 сўмдан ҳақ тўланади.

ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛИШИ КЕРАК

ҲАДЕМАЙ, Давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилинганига ҳам олти йил тўлади. Ўтган вақт ичида мазкур ҳужжатни рўёбга чиқариш борасида кутилган натижаларга эришилдими? Вилоят шаҳар ва туманлари, ишлаб чиқариш корхоналари, муассасаларида у қандай амалга оширилмоқда? Қани, аҳволни таҳлил этиб кўрайлик-чи?

● Давлат тили тўғрисидаги Қонун қандай бажарилмоқда?

ШУ мақсадда ишчи гуруҳимиз 1995 йилнинг бошларида тасдиқланган режага мувофиқ айрим ташкилотлар, корхоналарни ўргандик. Биринчи ташрифимиз Чирчиқ шаҳрига бўлди. Шуни айтиш керакки, кўп миллат вакиллари оғаини бўлиб тотув ҳаёт кечираётган бу шаҳарда Қонун эълон қилинган дастлабки пайтларда корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда ўзбек тилини ўрганиш бўйича ўқув машғулотлари ташкил этилган, мутахассислар шуғуллана бошлаган эдилар. Кейинги текширишлар жараёнида ана шу интилиш ва ташаббускорлик поёнига етмаганлигини аниқладик. Келинг, сўзимиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун бу шаҳарда батафсилроқ ўрганганимиз — Трансформатор заводи хусусида фикрларимизни баён қилайлик.

Корхонада ўзбек тилини ўрганиш бўйича учта гуруҳ фаолият кўрсатяпти. Ҳафтада икки кун давомида бу гуруҳлар учун ўқиш соат 15.00 дан 17.00 гача давом этиши тўғрисида бизга сўзлаб беришди. Айтишларига қараганда тилни ўргатиш учун бир мунча малакали кадрлар жалб этилган экан. Лекин биз ишчилар билан, раҳбар ходимлар билан мулоқотларда давлат тилини пухта эгаллаётганликларининг гувоҳи бўлмадик. Ваҳоланки, анчагина аввал бу ерда бўлган республика комиссиясининг «Давлат тили тўғрисидаги Қонун ва уни амалга ошириш бўйича давлат дастурининг Тошкент вилоятида бажарилиши ҳақида»ги маълумотномасида ҳам бу жойда иш суст бораётганлиги таъкидланган эди. Йўқ, аҳвол ўзгармади. Шаҳар прокуратурасининг текширув натижалари асосида билдирган эътирозлари ҳам ҳисобга олинмади. Корхона худудидаги айрим сўзлар ҳамон бундан олти йил илгари қандай турган бўлса, шу ҳолда турипти. «Мой завод — моя гордость», «Овоши, фрукты» каби сўзлар нега ўзгармади, деб сўраганимизда: улар — майда иш, ўзгартириш қийин эмас, деб жавоб беришди. Қийин бўлмаса шу кунгача нима учун эътибор берилмади, деган саволга раҳбарлар елка қисиб қўяқолдилар.

Сўнгги сафаримиз Қуйичирчиқ туманига бўлди. Бу туманда бир мунча ижобий ишлар амалга оширилган. Хусусан, тажриба-механика ҳиссадорлик жамиятида ўзбек тилини ўрганиш гуруҳи ишлаб турипти. Машғулот қатнашчиларидан айримлари Давлат тилида яхши сўзлашишни ўрганиб олишган. Иш юритиш икки тилда олиб борилмоқда. Тумандаги 3-қишлоқ қурилиш корхонасида ҳам қонун ижроси дуруст таъминланган. Тумандаги «Тошвилюктранс» концернига қарашли 81-автокорхонада давлат тилини ўрганиш бўйича 1992 йили комиссия ташкил этилган бўлиб, ҳозирги пайтда русийзабон ишчи-хизматчилар ўзбек тилини мукаммал ўрганиб олишган. Биз бу ерда ёзув машинкаси ўзбекчалаштирилганлигининг ҳам гувоҳи бўлдик.

Шундай ижобий натижалар Оққўрғон туманида ҳам сезилди. Туман атамалар комиссияси раиси Р. Муҳаммедов билан бўлган суҳбат чоғида бу ерда Давлат тили тўғрисидаги Қонунни бажаришга интилиш борлигини ҳис этдик. Айни пайтда туман фаолияти бу борада камчиликлардан холи эмас. Турли ташкилотларга хатларни ҳамон рус тилида жўнатиш давом этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жойларда Давлат тили тўғрисидаги Қонун ўз ҳолига ташлаб қўйилмаган бўлса-да, аммо жиддий камчиликлардан холи эмас. Ана шу нуқсонларни бартараф этиш жойлардаги ҳокимликлар, атамалар комиссияларининг биринчи галдаги вазифасидир.

М. МИРЗАЕВ,
вилоят ҳокимлигининг етакчи мутахассиси.

ТАРИХИЙ МАЪЛУМОТЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

Тошкентдаги «Ўзэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамияти киноҳаваскорлари Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Фанлар Академияси Тарих институти ва Тошкент Давлат университети олимлари билан ҳамкорликда «Буюк Ипак йўли» илмий экспедициясини ташкил этди. Тарихчи ва археологлар ҳамда мутахассислардан иборат илмий гуруҳ Тошкент вилоятининг Паркент, Пискент туманлари ҳамда Олмалиқ шаҳрида соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тарихий маълумотларни ўрганишга киришди.

(ЎзА).

● Бизга ёзадилар

БУЮРТМАЛАР ВАҚТИДА БАЖАРИЛМОҚДА

ЧИРЧИҚДАГИ Ўзбекистон кимё машинасозлиги ҳиссадорлик жамияти жамоаси шу кунларда ҳам қўли-қўлига тегмай ишламоқда. Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги вақтда бундай бир маромда ишлаётган корхоналар камдан-кам топилади. Кимё машинасозлари ишлаб чиқарётган асбоб-ускуналар иқтисодиётнинг турли соҳаларида фойдаланишга мўлжаллланганлиги учун ҳам унга талаб сусаймаяпти. Жамоа ҳам шуни ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг бир маромда боришини таъминлашга эришмоқда, барча буюртмаларни вақтида бажаряпти.

Айниқса, корхонада «Ўзбекнефтгаз» бирлашмаси буюртмаларига «катта йўл» очиб қўйилган. Чунки, ёқилғи-энергетика саноатининг бу етакчи тармоқларини ривожлантириш, республикамизнинг нефть мустақиллигини таъминлаш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди. Куни кеча чирчиқлик машинасозлар Қашқадарё вилоятидаги «Шўртонгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси буюртмасини тайёрлади ва унинг ихтиёрига юборди. Кўпгина ностандарт асбоб-ускуналар — совутгичлар, ҳажмли аппаратуралар, турбопроводлар қисмлари тайёрланди. Эндиликда эса Муборак газни қайта ишлаш заводи буюртмаларини бажаришга киришилди.

Бундай муҳим ва шошилинч буюртмаларни бажаришга тажрибали ва малакали ишчи-хизматчилар жалб қилинмоқда. Айниқса, Ўзбекистон. Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими М. Киося бошчилик қилаётган бригада аъзоларининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Уз касбининг моҳирлари бўлган бу машинасозлар аппаратларнинг сифатли ва тез йиғиш топшириқларини доим ортиғи билан адо этишяпти.

О. ЛЕВАК,
меҳнат фахрийси.

БОЗОР ДАРВОЗАДАН БОШЛАНАДИ

Тошкент вилояти билан Сирдарё вилояти туташган жойда «Янги Чиноз» бозори бўларди. Кўримсизгина қад ростлаб турган бозор аслида дарвоза ҳисобланарди. Шунинг учун Тошкент вилояти ҳокимлиги ва вилоят бозорлар бошқармаси ўз ҳисобларидан бир миллион тўққиз юз минг сўм маблағ ажратишди. Бозор ўрнининг бир қисми текисланиб янги расталар бунёд этилди.

Бозор мудири Эргаш Қўшимовнинг таъкидлашича, шу вақтга қадар бозорга биров маблағ ҳам ажратмаган, ёрдам ҳам бермаган, мустақиллик шарофати билан шундай имкон туғилган.

Тошкент — Бухоро катта йўлининг ўнг томонида, Сирдарё бўйида ҳайбатли, миллий услубда қад кўтарган «Янги Чиноз» бозори узоқдан кўзга ташланади. Ғиштин дарвозанинг чиройли нақш этилганлиги ҳам сизни мафтун этади. Бозорнинг чап томонида 15 нафар тадбиркор ўз маблағларидан дўконлар, бекат қуришган. Ўнг томонда эса янги ошхона, сомсахона, новвойхона, балиқ қовуриш дўкончаси каби миллий таомлар тайёрланадиган расталар ўрин олган. Бозорда 108 нафар сотувчига шинам, қулай ўрин ташкил этилган.

Т. ЁРҚУЛОВ.

Ташвишли сигнал

ЁҚҚАНДАН КЕЙИН ҲАҚИНИ ВАҚТИДА ТЎЛАНГ-ДА

Айрим корхона-хўжаликлар ва аҳолининг фойдаланган газ ҳақини ўз вақтида тўламаётганликлари «Тошвилоятгаз» ишлаб чиқариш бошқармасини оғир молиявий аҳволга солиб қўймоқда

Мустақил Ўзбекистонимиз замини хилма-хил ер ости бойликларига эга. Шулардан бири табиий газдир. Ер қаъридан қазиб олинаётган бу «зангори олов» халқимизнинг кундалик турмушида жуда асқотмоқда. Хонадон соҳибаларининг оғирини енгил қилмоқда. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида тобора кенг ишлатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлашни яхшилашга қаратилган Фармонидан сўнг вилоятимиз қишлоқларини бундай қулай ёқилғи тури билан таъминлаш кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда республикамизда ҳар йили 50 миллиард куб метр атрофида табиий газ қазиб чиқарилмоқда. Унинг 8 миллиард куб метрга яқинини Тошкент вилояти аҳолиси ва корхоналари ўз эҳтиёжлари учун ишлатмоқдалар. Шу рақамлар вилоятимиз ҳар йили катта ҳажмдаги газни истеъмол қилишини яққол кўрсатиб турибди.

Қилинган ҳисоб-китобларга қараганда шу кунларда вилоятимиздаги шаҳарлар ва қишлоқларда истиқомат қилувчи 350 мингдан ортиқ хонадон бундай ёқилғи туридан баҳраманд бўляпти. Айни вақтда уни ишлатаётган кўпгина корхона, ташкилотлар ҳам бор. Шуни айтиш кифояки, 4 мингга яқин маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари газдан фойдаланмоқдалар. Уни истеъмол қилаётган саноат корхоналарининг сони эса 400 тадан ҳам ошиб кетади.

Мен бу рақамларни шунчалик келтираётганим йўқ. Уларни газ билан вақтида ва етарли таъминлаш асосан бизнинг бошқармамиз жамоаси зиммасидадир. Бу ниҳоятда масъулиятли ва айни вақтда шарафли иш. Жамоамиз аъзолари унинг уддасидан чиқиш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Чунки уни вақтида етказиб бермаслик, узилишларга йўл қўйиш катта зарар келтириши мумкин.

Аммо жамоамизни бир муаммо қийнаб турибди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида у ишимизга катта зарар келтирмоқда. У ҳам бўлса газ ҳақининг ўз вақтида тўланмаётганлигидир. Айрим мижозларимиз етказиб берилган зангори олов учун ҳисоб-китобни муддатида амалга оширишмаяпти. Натижада бизни ҳисобимизга маблағ ўз вақтида тушмаяпти.

Биздан қарз бўлган корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ва хонадонлар тобора кўпайиб бораётганлиги ташвишли бир ҳолдир. Шуни айтиш кифояки, йилнинг ўтган 7 ойида фақатгина саноат корхоналарининг биздан қарзи 776 миллион сўмдан ҳам ошиб кетди. Маиший хизмат кўрсатиш ташкилотларининг кўпчилиги ҳам газ ҳақини муддатида тўлаётгани йўқ. Оқибатда уларнинг қарзи 16 миллион сўмни ташкил этиб турибди. Ҳатто аҳоли ўртасида ҳам қарздорлар кўпаймоқда. Бизнинг ҳисобимизга тушмаган газ ҳақи хонадонлар бўйича 8 миллион сўмга етди.

Айрим саноат корхоналарининг қарзлари юзларча миллион сўмни ташкил этиб турибди. Бирғина Тошкент давлат туман электр станциясини олиб кўрайлик. Унинг 7 ойдаги қарзи 311,5 миллион сўмга етди. Янги Ангрен давлат туман электр станцияси раҳбарлиги ҳам фойдаланилган газ учун ҳақни ўз вақтида тўлашни хаёлига ҳам келтирмаётганга ўхшайди.

Нурхонанинг қарзи ой сайин кўпайиб бормоқда. Шу йилнинг 1 августига келиб у 164 миллион сўмга етди.

«Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Бирлашма газни кўп ишлатувчи корхоналардан бири ҳисобланади. Лекин унинг раҳбарияти ҳам табиий газ учун ҳақни ўз вақтида ҳисобимизга ўтказмаяпти. Бир неча бор қилган мурожаатларимиз инобатга олинаётгани йўқ. Ҳозирги вақтга келиб бирлашманинг бошқармадан қарзи 12,5 миллион сўмдан ошиб кетди. Чирчиқдаги «Электрокимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлигига газ ҳақини тўлашни илтимос қилавериб чарчадик. Бирлашма раҳбарлари ҳар гал ваъда беришади, улар ҳам ўз маҳсулотлари учун мижозлардан ҳақни ўз вақтида олаолмаётганликларини баҳона қилиб кўрсатишади. Лекин бу бизни қийин молиявий аҳволга солиб қўйиш учун асос бўлмайди-да. Ишлаб чиқариш бирлашмасининг қарзи эса 173 миллион сўмдан ҳам ошиб кетди. Ахир бу оз маблағ эмас. Уни тўлашни ҳам ўйлаш керак. Агар газни бермай қўйсак бирлашма ишлаб чиқариш ҳажмини кескин камайтириб юбориши мумкинлигини эсдан чиқармаслиги лозим.

Бундай корхоналарни яна давом эттириш мумкин. Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳам бизнинг йирик қарздорларимиздан. У жамоамизга белгиланганига нисбатан 29 миллион сўм кам пул ўтказди. «Капролактам» қўшма корхонасининг қарзи эса 13 миллион сўмни ташкил этиб турибди. Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 3,5 миллион сўм, Янгийўл биокимё заводи 10 миллион сўм, Бекобод металлургия заводи 14 миллион сўм қарз бўлиб қолган. Афсусланарлиси шундаки, бундай қарзлар ҳажми камайиш ўрнига ортиб бормоқда. Ахир унинг ҳам чеки бўлиши керак-ку. Газ ҳақини вақтида тўламаслик уни етказиб бераётган жамоамизни қийин аҳволга солиб қўйишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Улар жилла қурмаганда ана шу қарзларнинг бир қисмини тўлаганларида ҳам ҳарна эди.

Юқорида бошқармамиздан миллион-миллион сўмлаб қарз бўлиб қолган айрим йирик корхоналар номини келтирдим холос. Газ ҳақини вақтида тўламасдан қарздор бўлиб қолган бошқа катта-кичик корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар анчагина бор.

Вилоятимиз аҳолиси орасида ҳам табиий газ ҳақини сурункасига бир неча ойлаб ҳатто йиллаб тўламаётган оилалар бор. Бундай хонадонлар, айниқса, вилоятимизнинг Чиноз, Тошкент, Зангиота, Оққўрғон, Янгийўл туманларида кўпроқ учрайди. Шу ўринда уларнинг айримларини кўрсатиб ўтишни лозим, деб топдик. Ўйлайманки, улар бундан тўғри хулоса чиқариб оладилар. Чиноз шаҳридаги Набережная кўчасида истиқомат қилувчи Р. Зокиралиев оиласининг қарзи 88 сўм 27 тийинга етди. Шу кўчада истиқомат қилувчи К. Усканбоев хонадони 46 сўм 96 тийин, С. Маханов хонадони 60 сўм 48 тийин қарз бўлиб қолган. Тошкент туман Келес шаҳарчасида истиқомат қилувчи Алиев хонадони 51 сўм 11 тийин, Б. Йўлдошбеков 51 сўм 66 тийин, М. Бобожонов 89 сўм 11 тийин, Тўлаганов 107 сўм 78 тийин, С. Аҳадов хонадони эса 10 сўм 68 тийин қарзини тўламаган. Худди шундай мисолларни Оққўрғон ва бошқа қатор туманлардан ҳам келтириш мумкин.

Шуларнинг ҳаммаси бизга катта ташвиш келтирмоқда. Газ ҳақининг вақтида ҳисобимизга тушмаслиги ишчи-хизматчиларга иш ҳақи беришда қийинчиликларни ҳам вужудга келтираяпти.

Маълумки, шу йил белгиланган тартибга мувофиқ газ саноати соҳасида меҳнат қилаётган муҳандис-техник ходимларнинг ойлик маошлари сотилган газдан тушган пул миқдорига узвий боғлаб қўйилган.

Қарздорларимизнинг кўпайиши бозор иқтисодига ўтиш даврида ходимларимизнинг ижтимоий муҳофаза қилиш кўламининг камайишига олиб келишини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

Ҳисобимиздаги маблағнинг етарли эмаслиги бизга хизмат қилаётган, турли-туман қурилиш материаллари билан ёрдам бераётган корхона-ташкилотлар билан ҳисоб-китоб қилишимизни мушкуллаштирмоқда. Қисқаси бир муаммо иккинчисини, учинчисини келтириб чиқармоқда. Буларнинг ҳаммаси оқибат натижада малакали мутахассисларимизнинг бўшаб кетишига, ходимлар қўнимсизлигининг кучайишга олиб келиши мумкин.

Ахир сизнинг эҳтиёжларингизни қондириш учун узоқ узоқлардан не-не машаққатлар билан зангори олов етказиб келтириляпти. Биз ортиқча нарса талаб қилаётганимиз йўқ, фақат ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва ёқиш учун етказиб берилаётган газ ҳақини талаб қилаяпмиз. Ҳозиргидек аҳвол — фақат ваъда беришу пайсалга солиш давом этадиган бўлса оқибат ҳаммамиз, сиз истеъмолчилар учун ҳам кўнгилсиз бўлишини унутмаслик лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг етказиб берилаётган маҳсулотлар ҳақини тўлаш бўйича ҳисоб-китоб ишларини тартибга солиш юзасидан Фармонига амал қилиш керак. Агар мижозларимиз биз етказиб бераётган зангори олов учун ҳақни тўлашни пайсалга солаверсалар, ҳисобларида маблағлари бўла туриб уни тўламасалар газ етказиб беришни тўхтатиб қўйишимиз ҳам мумкин. Ҳозирча биз бундай қилмаяпмиз. Мажбур бўлсак уни қўллашдан бошқа илож қолмайди. Ушбу имкониятдан фойдаланиб, барча мижозларимизга, улар корхона, ташкилот, хўжалик ёки хонадон бўлишидан қатъий назар, фойдаланган газ учун вақтида ҳисоб-китоб қилишни яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз. Ахир, газни ёққандан кейин унинг ҳақини муддатида тўлаб қўйиш ҳам керак-да.

Ғ. ЖЎРАЕВ,
«Тошвилоятгаз» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

КУТИЛГАНИДАН КЎРА ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ЎТДИ

ЎТГАН пайшанба куни Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида биринчи Марказий Осиё ўйинлари якунига бағишлаб оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг ўринбосари К. Юсупов ҳамда биринчи Марказий Осиё ўйинлари масъул котиби Р. Ицков журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб Тошкентда ниҳоясига етган биринчи Марказий Осиё ўйинлари кутилганидан кўра юқори даражада ўтганлигини ва бу ишга ўз ҳиссаларини қўшган барча ташкилотлар ва ҳомийлардан мамнун эканликларини изҳор этдилар. Шунингдек бу ўйинларни 200 дан зиёд журналистлар жумладан, 63 хорижий журналист кенг ёритганлигини таъкидлаб уларга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Қуйида спорт мухлисларига биринчи Марказий Осиё ўйинларида беш мамлакат вакиллари қўлга киритган умумий медаллар натижасини ҳавола этамиз.

Мамлакатлар	олтин	кумуш	бронза	ҳаммаси
Ўзбекистон	65	66	49	180
Қозоғистон	76	62	30	168
Қирғизистон	13	14	40	67
Туркманистон	2	12	26	40
Тожикистон	2	2	11	15

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИ ТОШКЕНТДА АНИҚЛАНАДИ

БОКС мухлисларини катта байрам кутмоқда. 1-8 октябрь кунлари пойтахтимиздаги «Алпомиш» спорт саройида Осиё биринчилиги ўтказилади. Тошкентга қитъамиздаги 25 мамлакат вакиллари келиши кутилмоқда.

— Ҳозиргача Тошкент чемпионатида иштирок этиш истагини Хитой, Тайланд, Япония, Малайзия, Жанубий Корея, Эрон, жаъми 18 мамлакат вакиллари маълум қилдилар, — деди журналистлар билан бўлиб ўтган матбуот конференциясида Ўзбекистон Республикаси бокс федерацияси бош котиби Алишер Қодиров, — мухлислар Тошкентда жаҳон, Европа ва Осиё биринчиликларининг иштирокчилари ва ғолибларини кўриш шарафига муяссар бўладилар.

Бу йирик мусобақага катта ва пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Бу тадбир учун республика ҳукумати беш миллион сўм ва 8 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Қатор ҳомийлар ҳам хизматга шай бўлиб турибдилар.

Чемпионат ғолиблари, яъни биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган боксчилар келаси йил Атлантада бўладиган Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

У. ШАРОПОВ.

Ҳамкасбимизни қутлаймиз

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС, ҲАМҚАДАМ

ЙИГИРМА беш йилча бурун «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари ходимларининг Янгийўл туманида муштарийлар билан учрашуви бўлган эди. Залга 300 га яқин газетхон йиғилган, туманнинг барча фаоллари, турли соҳа ва касб кишилари тўпланган эди. Таҳририятларнинг иши ҳақида қизиқарли мулоқот бўлаётганди. Учрашув охирроғида минбарга қотмадан келган бир йигит кўтарилди. У газета мақолаларини дадиллик билан пухта таҳлил этди, эътибордан четда қолган мавзуларни ҳам эсга солди. Қисқаси, энг жўяли фикр, асосли таклиф ва мулоҳазалар мулоқотда қатнашаётган энг ёш ана шу муштарийдан чиқди. Тошкентдан борган журналистлар у билан қизиқиб қолишди.

— Ўзимизнинг зангиоталик мухбир, жамоамизга яқинда ишга келган, — деб таништирди «Янгийўл» газетасининг муҳаррири З. Қуртназиров.

Шу кундан бошлаб ўша зангиоталик йигит — Эркин Эрназаров «Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбирига айланди. Кўп ўтмай эса «Янгийўл»дан пойтахтга учирма бўлди. Уни «Тошкент ҳақиқати» жамоаси ўз бағрига олди. Тез орада сермаҳсул ижоди билан вилоятгагина эмас, республикага ҳам танилди. Уни газетанинг катта бўлимига мудирликка тайинлашди. Кейин унинг меҳнат фаолияти пойтахт вилоят партия ташкилотида давом этди. У шаҳар ва туманларнинг, кўп нусхали газеталарнинг ишини мувофиқлаштириб, оммавий ахборот воситаларини малакали ходимлар билан таъминланиши устида қайғурди. Ана шу йилларда у матбуот ишининг муаммоларига кенг қамров билан ёндошадиган малакали ходимга айланди. Шу сабабли ҳам 1989 йили «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари муҳаррирлигига тайинланганда жуда катта ва ғоят масъулиятли вазифани бемалол уддасидан чиқа бошлади.

Аксар муҳаррирларнинг ташкилий ишлар, жамоатчилик топшириқларидан ортиши қийин бўлади. Лекин Эркин Эрназаров бу юмушлардан ташқари ҳар куни ижод қилишга ҳам вақт топади. Унинг барча журналистлар хавас қилса, ўрганса арзийдиган фазилатларидан бири ниҳоятда тезкорлиги ва ҳозиржавоблигидир.

Э.Эрназаровнинг ижоди айниқса, Ўзбекистон мустақилликкa эришган йилларда янги поғонага кўтарилди. Унинг иқтисодий ислоҳотларга бағишланган публицистик мақолалари, хусусан, сўмимизнинг қадри, бозор муаммолари, деҳқон меҳнати, муомала маданияти мавзуларидаги чиқишлари долзарблиги билан ажралиб туради. Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларига бағишланган мақолалари ҳам жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. «Оқшом» газетаси республика матбуоти ичида биринчилардан бўлиб Президентимиз илгари сурган беш тамойил ва унинг аҳамиятини, бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистон танлаган ўзига хос ва мос йўлини тушунарли тарзда кенг ўқувчиларга кўрсатиб берди.

Сўнгги пайтларда юртимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик, ободончилик ишлари ҳар қачонгидан кенгайиб кетди. Республикамиз маркази Тошкент келажаги буюк мустақил Ўзбекистоннинг муносиб пойтахти бўлиб қолмоқда. Унинг гўзал жамоли, шаҳарда ҳар куни бўлаётган ўзгаришлар «Оқшом» газеталарида ўзининг муносиб аксини топмоқдаки, бунга муҳаррирнинг давр билан ҳамнафас, ҳамқадамлиги ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон Мустақиллигининг тўрт йиллиги арафасида бир қатор юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар. Шу муносабат билан эълон қилинган Президент Фармонида «Республика иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳига тарбиялаш ҳамда ўзининг ҳалол меҳнати билан катта ютуқларга эришганликлари учун» деган сўзларни ўқийсиз. Ана шу фармон билан мустақил мамлакатимизнинг ардоқли мукофотларидан бири — «Шуҳрат» медалига ижодкорлар орасида илк бор сазовор бўлганлар сафида ҳамкасбимиз — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Эркин Эрназаров борлигидан бениҳоя фахрландик. Бу мукофот заҳматкаш дўстимизнинг меҳнатларига берилган муносиб баҳодир.

С.МУСАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



МУҲАММАД ЮСУФНИ газетхонларимизга таништириб ўтириш шарт бўлмаса керак. Шоирни ҳамма билади. Ҳамма биладиган шоир бир туркум янги шеърлари билан «Тошкент ҳақиқати» ўқувчиларини хушнуд этмоқчи. Деҳқонлар ғалвирни сувдан кўтараётган, пахта йиғим-терими қизғин паллага кирган бир пайтда Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари меҳнаткашларга мададкор бўлади, деган умиддамиз. Дарвоқе, шоирнинг ўзи ҳам уста теримчи — пахтани яхши теради. Лекин «пахта қўйишни» билмайди... Яна нима дейиш мумкин? Шоир бошқаларга ўхшаб «бизнес»га уриб кетмади — бир чеккада шеърларини ёзиб юрибди. «Тафаккур» журналида ишлаяпти. Пешона тери билан ишлаб топган пули эвазига оиласини тебратяпти, фарзандларини тарбиялаяпти. Зотан, Муҳаммад Юсуф, ўзбекнинг шоири ҳам ўзбекдай ҳалол, ўзбекдай меҳнаткаш бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Тўғри гап, тўғри йўл. Тўғри йўлдан кетаётган шоирнинг омади келаверсин!

К Е Л

Нозингдан айланай ёрим, нозингдан,
Кел, деганда келақолсанг бўлмасми.
Жоним қалқиб кетар ҳар овозингдан,
Кел, деганда келақолсанг бўлмасми...

Баҳорлар эргашар сен юрган издан,
Юзинг ёруғ ярим осмон юлдуздан.
Сайлаб олдим сени бир сарой қиздан —
Кел, деганда келақолсанг бўлмасми.

Кўнглим эзар ҳар хил ўй-хаёл менинг,
Кел эгилиб ёхуд эгиб ол мени,
Рўмолинг учига тугиб ол мени...
Кел, деганда келақолсанг бўлмасми.

Малагим сен-мен ғуломинг бўлойин,
Гоҳ қошинг, гоҳ кўзингдан ўргилойин.
Бир ўптирсанг кирқ кун байрам қилойин,
Кел, деганда келақолсанг бўлмасми.

Бир ўланда шунча дардим тўкдим-а,
Харидорим ўланчи деб ўксима,
Уйим йўғу дунё сиғар кўксима,
Кел, деганда келақолсанг бўлмасми.

Йигит моли кўксидаги туғёни,
Зор айлама, кел энди меҳрибоним.
Енгим ёстиқ, тўшак бўлсин чопоним,
Кел, деганда келақолсанг бўлмасми!..

Муҳаммад ЮСУФ

БАХТИМ СЕН БИЛАН, ОНА ТУРКИСТОН!

Кечаги кунинг айтсам бир достон,
Боғларинг вайрон, пайкалинг пайхон,
Кўксингга тошлар отмади кимлар,
Она Туркистон, она Туркистон...

Қанча тутсанг оз, қанча сочсанг кам,
Сийладинг шоҳу-гадосини ҳам,
Тузу-нонингни тотмади кимлар,
Она Туркистон, она Туркистон...

Ўзинг ҳамиша пойгакда қолдинг,
Келган кимсанинг кўнглини олдинг.
Тўринг талашиб ётмади кимлар,
Она Туркистон, она Туркистон...

Парчалаб чачвон-ҳижобларингни,
Майдалаб Қуръон китобларингни,
Тавқилаънатга ботмади кимлар,
Она Туркистон, она Туркистон...

Нечоғ ҳимматли, нечоғ мард бўлдинг,
Барибир тамғанг битта-сарт бўлдинг,
Қадринг бир пулга сотмади кимлар,
Она Туркистон, она Туркистон...

Тўлишмаганинг — тўзганинг бўлди,
Бириng-бириng сузганинг бўлди,
Бирлашсанг пусиб кетмади кимлар,
Она Туркистон, она Туркистон...

Байраминг ўхшаб байрамларингга
Замин лол боқса қадамларингга,
Келиб этагинг тутмади кимлар,
Она Туркистон, она Туркистон...

Бахтим сен билан бир умр билсанг,
Жоним садаға гар имо қилсанг,
Бу кунга етди-етмади кимлар
Она Туркистон, она Туркистон..

ОЗОДА

Озодани севаман мен, Озодани,
Сулувларнинг сардори-хонзодани.
Йўқлатмайман ёнига шаббодани,
Озодани севаман мен, Озодани!..

Кўрганману кўрганим эртасидан,
Юрагим қоқ бўлинган ўртасидан.
Ҳар куни бир ўтаман кўчасидан,
Озодани севаман мен, Озодани.

Ўтаман-да, ўтмай десам бўлмайди ҳеч,
Бир ўтмасам кўнглим ўлгур тўлмайди ҳеч.
Кўзим тойиб кетаверар — қўймайди ҳеч,
Озодани севаман мен, Озодани.

Бир эсласам, қақшаб кетар бандибандим.
Кечагина бир қизалоқ ўйнатгандим!..
Кучугига оққанд бериб ўргатгандим,
Озодани севаман мен, Озодани.

Ҳеч ким кўнгли ярим бўлиб яралмасин,
Айтинг, анов сулувларга, қарамасин.
Элга ошкор сиримни ҳам сўрамасин —
Озодани севаман мен, Озодани.

Тушунмаслар кулади: эсиз-эсиз,
Кимлар эрмак қилади: эсиз-эсиз.
Хотиним ҳам билади, нима дейсиз!..
Озодани севаман мен, Озодани.

Севар эдим ҳамон у суюкли ёр,
Билагида бармоғининг изи бор.
Озодани бир ўғил, бир қизи бор...
Мен барибир севаман Озодани.

МУНЧОҚ

Мунчоғим, отингни ким қўйди мунчоқ?
Майсадек, манглайинг майинки бирам.
Бегона эмасман, бизлар ҳамқишлоқ —
Шу жойда чопқиллаб ўсгандим мен ҳам.

Олифта эгнимга боқиб бурма юз,
Сенга дардим айтай ҳаммадан олдин.
Беги бўлмоқчийдим бекангни, афсус,
Шеър деган навога қул бўлиб қолдим.

Сиз-итлар бировни севсангиз агар,
Итдек содиқдирсиз балки, бир умр.
Бизлар-чи.. Эҳ, қара қўлларим титрар,
Бўйнингни қисвордим шекилли, узр.

Дунёнинг ишлари шунақа, ошна,
Одамнинг тафтини ҳайвон олади.
Сен ўзинг яшайсан кимгадир ташна,
Сенга ташналаринг қарсак чалади.

Биз битта уруғмиз мен сенга айтсам —
Шоир ҳам оламда ит каби санқир!..
Мунчоғим, бўйнингдан менга жуда ҳам
Қадрдон бир қўлнинг ислари анқир.

Эҳтимол.. Эҳ, яна бошланди титроқ,
Мен ундан бир умр бўлолмам халос.
Жон деб ичардиму сен билан озроқ,
Афсус ҳамён қуруқ - савлат бор холос...

Илк севги, илк севги - аччиқ тоғолма,
Кўнгилга бир умр кўнгил битган байт.
Мен кетдим. Сен ҳам бор йўлингдан қолма.
Ҳарҳолда бекангга мендан салом айт!

ОҚ КЎЧКОР

Беканг мендан сўрамай,
Пойимга қурбон қилди.
Жовдираган кўзларинг,
Юрагимни қон қилди...

Оқ кўчқорим, оқ кўчқор,
Олдингда гуноҳим бор.

Олмос ханжар ялтираб,
Тўсиб қўйди қуёшни,
Кўрдим умримда илк бор,
Қонга томган кўз ёшни.

Оқ кўчқорим, оқ кўчқор,
Олдингда гуноҳим бор.

Кўзингда ёш кўрай деб,
Наҳот шунча йўл босдим?
Жониворим, мен ахир,
Юраги тош эмасдим.
Мен келсам, сен кетишинг
Билганимда келмасдим!...

Оқ кўчқорим, оқ кўчқор,
Олдингда гуноҳим бор.

Кечагина ерларни
Гурсиллатиб юрардинг,
Шохларингни тошларга
Қарсиллатиб урардинг,
Бир кун умринг қолганин
Сен қайдан ҳам билолдинг...

Оқ кўчқорим, оқ кўчқор,
Олдингда гуноҳим бор.

Бекалар шу: гоҳ суйиб,
Гоҳ куйдириб ўтарлар,
Қизлигида ўзларин
Маликадай тутарлар...

Оқ кўчқорим, оқ кўчқор,
Олдингда гуноҳим бор.

Бу ҳовлига энди мен
Сира қайтиб келмайман.
Кўчқорини қийнаган
Бекаларни севмайман,
Ўзим кўчқор шоирман —

Оқ кўчқорим, оқ кўчқор,
Олдингда гуноҳим бор.

ҲАФТАЛИК TV КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 18

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 "Аралаш". Болалар учун ҳажвий киножурнал.
18.20 **Футбол шарҳи.**
18.30 "Фазилат".
18.55 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
19.25 Эълонлар.
19.30 **"Ахборот"** (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 **"Пул қадри".**
20.10 **"Аср фожиаси".** Орол муаммоларига бағишланади.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 **"Ахборот".**
21.25 Эълонлар.
21.30 **"Минтақамиз хавфсизлиги йўлида". 3-кўрсатув.**
22.10 **ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. "Кеча ва кундуз".** Видеофильм. 1-қисм.
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.45 "Ахборот".

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Деҳқон ҳиммати".
19.30 "Бу бўстон аро..."
20.00 "Излаган имкон топади".
20.30 "Спорт-тайм".
21.00 — 22.30 "Кечки вариант". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.20
***
22.45 — 00.40

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 —18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Кўкка интилган нигоҳ". Телефильм.
19.15 "Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 "Жаҳон географияси".
21.40 Эълонлар.
21.45 Видео — "О".
23.25 Эълонлар.
23.30 "Қурьер".
23.50 "... яна об-ҳаво ҳақида".
24.00 — 00.10 "Постфактум".

СЕШАНБА, 19

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 **"Ассалом, Ўзбекистон!"** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 **ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. "Кеча ва кундуз".** Видеофильм. 1-қисм.
9.05 Немис тили.
9.35 "Куз лавҳалари". Кинодастур.
10.10 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим".
10.50 Ўзбек куйларидан концерт.
11.30 — 13.30 **"Умидлар йили".** Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 "Қум соат". Мультфильм.
18.20 **"Доно бобо даврасида".**
18.50 **"Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари".**
*
19.25 Эълонлар.
19.30 **"Ахборот"** (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ғижжак наволари.
20.20 **"Кеча ва бугун".**
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 **"Ахборот".**
21.25 Эълонлар.
21.30 **"Туркистон — умумий уйимиз". Чингиз Айтматов билан мулоқот.**
22.20 **"Кўчамдан жонон ўтганда". Ҳабиб Саъдулла қўшиқлари.**
22.55 **ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. "Кеча ва кундуз".** Видеофильм. 2-қисм.
24.00 Эълонлар.
00.05 — 00.30 "Ахборот".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк".
18.45 "Табиат дунёси".
19.35 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
19.55 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 Видеогид.
21.30 "Теле-ателье-шоу".
21.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.25
***
22.45 — 00.50

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 —18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Ишбилармон".
19.15 "Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Мусиқий учрашувлар".
20.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
20.40 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.40 "Ширу шакар".
22.20 "Сахий хонадонда".
23.00 —23.45 "Соккер-клуб".

ЧОРШАНБА, 20

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 **"Ассалом, Ўзбекистон!"** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. **"Кеча ва кундуз".** Видеофильм. 2-қисм.
9.05 Алифбо сабоқлари.
9.35 "Ёшлик" студияси. "Оқар дарёлар".
10.05 Ёр ва диёр тароналари.
10.30 — 12.30 **"Биз танлаган йўл".** Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 **"Умид учқунлари".**
18.40 **"Уйчи қўшиғи". Наманган вилояти Уйчи туманининг 60 йиллигига бағишланган кўрсатув.**
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 **"Ахборот"** (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Шеърий дақиқалар".
20.05 **"Хазинамиз таянчи".**
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 **"Ахборот".**
21.25 Эълонлар.
21.30 **Бевосита мулоқот.**
22.15 **"Хонанда билан учрашув". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Козим Қаюмов.**
22.50 **ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. "Кеча ва кундуз".** Видеофильм. 3-қисм.
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.25 "Ахборот".

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Ёз ҳам ўтиб кетди..."
19.00 "Мусиқий меҳмонхона".
20.00 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинокўрсатув (рус тилида).
20.40 "Халқ саломатлиги йўлида".
21.25 "02" тўлқинида.
21.50 — 23.20 "Кинематограф".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.25
***
22.45 — 01.30

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 —18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Кўчманчи қушлар учмоқда". Телефильм.
18.55 "Олам ва одам".
19.15 "Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 —23.50 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 21

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 **"Ассалом, Ўзбекистон!"** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 **ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. "Кеча ва кундуз".** Видеофильм. 3-қисм.
9.05 "Фахрийлар — фахримиз".
9.50 **"Қишлоқ истиқболи — юрт истиқболи".**
10.15 "Бировнинг номида". Бадиий фильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
12.00 — 14.00 **"Ёшлик"** видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 **"Сеҳрли мўйқалам".**
18.40 **"Ўзбекона лутф".** Адабий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 **"Ахборот"** (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ислоҳот ва масъулият".
20.20 **"Юзма-юз".**
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 **"Ахборот".**
21.25 Эълонлар.
21.30 **"Шаҳар бедарвоза эмас..."**
22.15 "Дутор навоси". Мусиқий кўрсатув.
22.55 **"Ёшлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".**
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.25 "Ахборот".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

18.30 "ОМАД" тақвими.
18.35 "Кўнгил".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.10 "Теле-ателье-шоу".
19.20 Видео янгиликлари.
19.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 — 22.55 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.25
***
22.45 — 00.30

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 —18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Ўрмон рапсодияси". Телефильм.
18.55 "Булоқлар кўз очганда".
19.15 "Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Спектр".
21.20 "Учрашув".
22.00 "Ҳамшаҳарлар".
23.00 — 23.20 "Оқ кутича".
21.30 **"Маърифатнома".**
22.00 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
22.40 **Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Хитой терма командалари.**
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 "Ахборот".

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
19.00 "Билиб қўйган яхши".
19.20 "Бизнес-академия".
19.45 "Экология ва ҳаёт".
20.25 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
20.55 — 22.25 "Шахсий детектив ёки "Кооперация" операцияси". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.00 — 20.50
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.50 — 21.25
***
22.50 — 00.25

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 —18.40 Туркия телевидениеси.

ЖУМА, 22

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 **"Ассалом, Ўзбекистон!"** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Ёшлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
9.00 Немис тили.
9.30 **"Талабалар саҳнасида".**
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
11.00 "Истиқлол адабиёти".
11.35 — 12.10 "Буни ҳамма билиши керак".
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 **"Кичкинтоймиз — гижингтоймиз".**
18.40 **"Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари".**
*
19.25 Эълонлар.
19.30 **"Ахборот"** (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 **"Адолат".** Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 **"Ахборот".**
21.25 Эълонлар.
21.30 **"Орол дарди — олам дарди".**
22.10 "Дилда васлинг". Ўзбекистон халқ артисти Аҳмаджон Шукуров куйлайди.
22.45 **Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Хитой терма командалари.**
23.25 **"Туғи ёғду".** Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.15 "Табиат дунёси".
10.05 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.25 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 Видеогид.
12.00 "Теле-ателье-шоу".
12.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 "Кинонигоҳ".
14.30 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".
*
18.40 "Қўшиқларинг қалбимда қолди". Киноконцерт.
19.15 "Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 "Компьютер-Осиё".
21.20 "Кулгига нима етсин".
21.45 "Америка юлдузлари".
22.15 Эълонлар.
22.20 "Даракчи".
22.30 Эълонлар.
22.35 —00.15 Видео — "О".

ШАНБА, 23

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 **"Ассалом, Ўзбекистон!"** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 **Туроб Тўла асари. Фарҳод Олимов мусиқаси. "Нодирабегим".** Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқа театрининг спектакли.
10.15 "Қирқ ҳунар ҳам оз".
10.45 **"Ёшлик" студияси. "Онамнинг ўгитлари".**
11.20 "Ёшлар ижоди".
11.50 **"Ўзбекистон — жаҳон ниғоҳида".**
12.20 — 12.50 "Водий жилолари". Кинокўрсатув.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Ёртиқулоқ ва ялқовлар". Мультфильм.
18.10 **"Эртаклар — яхшиликка етаклар".**
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 **"Ахборот"** (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 **"Учрашув". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лутфулла Саъдуллаев.**
20.30 **"Ўзбекистон янгиликлари"** (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 **"Ахборот".**
21.25 Эълонлар.
21.30 **"Ҳаёт дарслари".**
22.00 "Ҳаёт ва қонун".
22.30 Эълонлар.
22.35 — 00.15 Видео — "О".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.15 "Табиат дунёси".
10.05 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.25 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 Видеогид.
12.00 "Теле-ателье-шоу".
12.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 "Кинонигоҳ".
14.30 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".
*
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Акс-садо".
19.40 "Менинг кўчам".
19.55 "Пульс". Хабарлар.
20.10 "Антенна".
20.45 "Эсдалик учун дастхат".
21.10 "Шоҳсупа сари" (рус тилида).
21.40 — 23.10 "Кинематограф".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.25
***
22.45 — 00.20

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Дўстлик сарҳад билмайди".
10.40 Болалар учун фильм."Кичик боланинг катта ташвишлари".
11.45 — 12.35 "Замандас" (қозоқ тилида).
***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.05 "Бувимнинг сандиғи". Мультфильм.
19.15 "Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Монитор-Осиё".
20.35 "Глобус".
20.55 "Безнен мирас" (татар тилида).
21.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.45 Турнир жилолари. Теннис. Дэвис кубоги.
22.00 "Жаҳон ва биз".
22.50 "Бу ажиб дунё".
23.10 —23.20 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЯКШАНБА, 24

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 **"Ассалом, Ўзбекистон!"** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 **Саид Аҳмад. "Йўғонтепа".** Теленовелла.
11.45 "Цирк! Цирк! Цирк!"
12.30 "Шохрух" клуби.
13.00 **"Қўшиқларим сизга армуғон".**
13.30 — 14.15 "Бугун — Машинасозлар куни". Кўрсатув ва концерт.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Ғойиб бўлди осмонда қушча". Мультфильм.
18.20 **"Қўшиғим, жон қўшиғим".**
18.55 Эълонлар.
19.00 **"Панорама"** (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 **"Ойнаи жаҳонда..."**
19.55 "Оламга саёҳат". Кинокўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 **"Ҳафтанома".**
21.00 Эълонлар.
21.05 **"Деҳқон даладан қайтганда..."**
21.50 **"Санъат сеҳри".** Видеоканал.
23.20 **Теннис. Дэвис кубоги. Ўзбекистон — Хитой терма командалари.**
24.00 Эълонлар.
00.05 — 00.35 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Ишингиз бароридан келсин!"
10.40 "Теле-ателье-шоу".
10.50 Видео янгиликлари.
11.10 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
12.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.45 — 14.25 "Кинонигоҳ".
***
17.00 "Совға".
17.30 "Салом, ёшлар!"
18.10 "Жаҳон географияси".
19.00 Эълонлар.
19.05 Видео — "О".
20.45 Эълонлар.
20.50 "Курьер".
21.10 "...яна об-ҳаво ҳақида".
21.20 "Постфактум".
21.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.50 "Автосалон".
22.10 "Кулгига нима етсин!"
22.35 Эълонлар.
22.40 "Даракчи".
22.50 Эълонлар.
22.55 — 00.35 Видео — "О".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 — 24.00
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
24.00 — 02.55

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!". Мультфильм.
9.30 "Менинг кўчам".
9.45 "Дарвоқе".
10.10 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
11.40 "Газалхон ёшлигим".
12.15 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
12.25 — 13.50 "Икковлон бир соябон остида". Бадиий фильм.
***
18.10 —19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.05 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.05 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.15 "Чинсэн".
22.05 "Қалбим кўри".
22.35 Турнир жилолари. Теннис. Дэвис кубоги.
22.50 "Бу ажиб дунё".
23.10 —23.20 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

Аёл ҳаками

• ҚАДРИЯТ

ШУНДАЙ АЁЛЛАР БОР БЎЛСИН

Шундайлар бўлмаса агар дунёда
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.
Абдулла ОРИПОВ

ЧИЛЛА КИРИБ, кунлар ниҳоятда исиб кетди. Кундузлари уйдан ташқарига чиқмай, муздай жойни мўлжаллайсан. Қуёш ботгач, райҳон ҳидлари уфурган ҳовлида супада ёнбошлаб ойнаи жаҳонни томоша қиласан. Узбекларда бир одат бор, меҳмондўст халқ-да, нуқул ёзда тўй қилади. Сал кун ташласин кейин бўлар, десанг, дастурхон чиройли, тўкин-сочин бўлади, деб унамайди.

Қишлоқда, маҳаллада қизиқ. Биров тўй қиладими, биров биров билан юрадими, келини отаси қаерда ишлашидан тортиб, даромади қанақа экан, ҳаммаси келин келгунча маълум бўлади қўяди. Шундай ёз кунларидан бирида шанба куни маҳалланинг энг ҳурматли аёлларидан бўлган Рихси хола, яъни «жон болам» хола, энг кичик набираси Кудратжонни уйлантираяпти, деган гап тарқалди.

Ишдан қайтиб бироз дам олгач, ошхонада овқатга унаётган эдим, кўнғироқ чалинди. Эшикни очсам Кудратжон.

— Ҳа, Кудратжон, тўйлар муборак бўлсин!

— Опажон, шанба куни тўй. Бувимлар албатта ўқитувчи опангни айт, деб тайинладилар. Боринг, кутамиз, — деди.

Тўйхонада хизматчиларнинг кўли-қўлига тегмайди. Ҳамма нима биландир тўй эгасига ёрдам бергиси келади. Ҳали тўйхонага кириб улгурмасимдан кўшақўша машина сигналларию, карнай-сурнай овози эшитилди. Болалар «келин келяпти», «келин келяпти» деб ҳайқиришганча, машина йўлини тўсишади. Келин машинадан тушгач, одатдагидек тўй дастурхонига эмас, балки уйга олиб кирилди. Аввалига нима учун шундай қилинганини тушунмадим, секин-аста мен ҳам келинни кетидан эргашдим. Келин-куёв тўппа тўғри айвонга ташриф буюришди. Тўрда оппоқ чойшаб устида, йўғон гавдали, қора мағиздан келган ширинсўз Рихси хола ўтирарди. Келин-куёв хонадон соҳиби бўлган Рихси холага таъзим қилиб, улар билан кўришди. Рихси хола дуога қўл очар экан, беихтиёр кўзларига ёш қалқди. Бу кўз ёшлари бежиз эмас эди.

— Умр — оқар дарё дейдилар. Бувимларнинг айтишларича уруш вақтларида маҳаллада энг ёш бева қолган аёл мана шу Рихси хола эканлар. Тўлаган амаки 1939 йилда, май ойида, армияга кетган эканлар. Уша вақтда Рихси хола 19 ёшда бўлиб, қизлари Маърифатхон сакқиз ойлик чақалоқ экан. Рихси холанинг умр дафтарларини варақлай бошладим.

— Рихси хола, амаки урушга кетаётганларида нима деб кетганлар?

— Жоним болам, у кишининг гаплари кечагидек қулоғим остида жаранглайди. Ҳой, жамалак соч, ўзингни қоғоздаги қаннддек асра, қизимнинг кўзини ёшини оқизма, дедилар. Армияга деб кетган эдилар, кейин уруш бошланиб кетди. Қайнонам раҳматли нуқул пана-панада йиғлардилар, мени кўришлари билан енгларига кўз ёшларини артардилар. Онам раҳматли, юраклари сезган эканми. Шу Украинани озод қилишдаги, болаларимнинг айтишича, бало-қазони олди бўлган жангларда қатнашдилар. Охирги хат 1943 йил Житомирдан келди. Хатда:

— Рихси, мана, немисни қувлашга бошладик. Худо хоҳласа, яқинда бориб қоламан, — деб ёзибдилар.

Ҳа, уруш бамисоли битмайдиган яра. Ҳар гал эсланса қайтадан тирналади. Ёшлик йиллари, ўша машаққатли даврлар, азобли кунлар кўз ўнгидан бир-бир ўтаётган Рихси холанинг ҳолатида намоён бўла бошлади. Хотиралари титкиланган Рихси хола билан суҳбатлашар эканман, ўша яра бутунлай битмаслигига ишонч ҳосил қилдим.

— Холажон, уруш йиллари қаерларда ишлагансиз? — деб гап ташлаб қўйдим яна.

— Вой, жоним болам, нимасини айтай, қизил оёқ қир кечиб, яланг оёқ лой кечганман. Нима иш дуч келса қилдик, бу эркакнинг иши, бу аёлнинг иши деб ажратишни иложи бўлмади. Колхозда кетмон чопдим. Фарҳод каналигаям галма-гал бориб ишладик. Амакинг кетганида қорнимда уч ойлик ҳомилам бор эди. Эсимда, герман уруши янги бошланган пайти. Ҳалиги амакинг кетгандан кейин туғилган иккинчи Мукаррам деган қизим бир ёш бўлганда вафот этди. Бир томонда қўлимда ширин бўлиб тили чиқиб қолган қизимдан айрилганим, иккинчиси энди эримга нима деб жавоб бераман, болани асрай олмадим, деб йиғлайман. Кўлим ишга бормайди, ўзимни қаерга қўйишни билмайман. Жоним болам, янаям одамзод хўл бўларкан, бўлмаса ёниб кетаркан. Бу бош неларни кўрмади дейсан, жоним болам. Камбағалчилик, уруш, очарчилик. Кетма-кет тушган ўлимлар. Қайнонам вафот этдилар. Ёмғир шаррос қуйиб турипти. Ҳаммаёқдан чакки ўтиб ётипти. Мурдани устига клёнка ёпиб қўйдик, бўлмади, кўни-қўшнилар маслаҳатлашиб, уйни ўртасига чайла қилиб ёмғир ўтказмайдиган қилдик. Бир амаллаб кўмдик, одамларда оқибат кучли эди, барака топқурлар қараб тургани йўқ. Лекин биров-бировга берадиган вақт эмасди. Қайнонам раҳматлидан иккита етимча, ўзимни укаларимдан иккитасиям менга қолди. Қайнисингилим беш ёшда, қайним 12 ёшли.

Онам раҳматли:

— Болам, болаларимни сенга топширдим, сени худога топширдим. Тўлаган келгунча амаллагин, деб жон бердилар. Эски-тускиларни бир-бирига улаб тикиб берсам ҳам лекин яланғоч кўймадим. Худога шукур, амакингни олдига ёруғ юз билан бораман, жон болам. Елғизим маҳна ўзидан кўпайди, уйли-жойли қилиб, бола-чақасидан кутулди. Кўрсатганига шукур, болаларим ёмон чиқмади.

Бувимларнинг айтишларича, Рихси хола бировнинг сигирини соғди, эркак бўлиб ўтинини ёрди, далада кетмон чопди, трактор ҳам ҳайдади, нима иш бўлса ҳам қилди. Рихси буви билан суҳбатлашиш давомида буни яққол гувоҳи бўлдим. Мана, катта ҳовли. Шу ҳовлида Рихси буви қайниси Жўра ака билан бирга яшайди. Ҳеч ким бу кишини Рихси холанинг қайниси деб ўйламайди. Жўра ака ҳам ўз онасидан афзал кўради. Рихси холанинг йигирмадан ортиқ невараси, йигирмадан ортиқ эвараси бор. Ҳаммалари ҳурмат қилишади. Куюқми, суюқми, овқатларининг олдини мана шу бувига беришади. Ҳар қандай ишда, оилавий йиғинда дейсизми, тўйда дейсизми улардан маслаҳат сўралади.

Ҳа, бу оқаётган кўз ёшлари алам эмас, севинч ёшлари эди. Вақт ҳаёт, умр тўхташ нималигини билмас экан. Хотиралар эса хоҳи қувончли бўлсин, хоҳи аянчли бўлсин инсон қалбида муҳрланар экан. Ҳозирги кунда озгина иқтисодий қийинчиликларга бардош бера олмаётган фарзандини болалар уйларига тошираётган оналар ҳақида эшитар эканман, Рихси хола бардошининг, иродасининг чексизлигига, вафою-садоқатининг тенгсизлигига тан бераман. Радио тўлқинларидан эшитилаётган

Шу содиқ бевага саждалар қилинг

Шу содиқ бевага айланг эҳтиром.

деган сатрлар менинг фикрларим билан ҳамоҳанг бўлгандай...

Ёқутхон МЎМИНОВА,
1-тоифали ўқитувчи,
Тошкент тумани.



• Ўзбекнинг «келин саломи» ҳамиша шундай файзли ўтади.

ТЎЙДАН КЕЙИНГИ ҚАРЗ ВА ...

ЖАМИЯТИМИЗДА халқимиз орзу ниятларининг тезроқ рўёбга чиқишида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшадиган улкан бир куч бор. Бу аёллардир. Келажак авлод тарбиясини, жамият ривожини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиш қийин.

Шарқ аёллари қадимдан сабр-тоқатли, сарамжон, саришта, эпли бўлишган. Юртимиз ўғлонлари алп қоматли, ақлли, ватанпарвар бўлиб вояга етганлар. Оила сири, етишмовчилик, келишмовчиликлар остонадан ташқарига чиқмаган.

Босқичма-босқич бозор иқтисодига ўтиш даврида баъзи фуқароларимизда боқимандалик ҳолатлари сезилмоқда.

Айрим аёлларнинг фикрисизкрида эса бир баҳона бор. Ёш оила бузилса етишмовчилик сабаб, фарзанди ўгрилик қилса яна етишмовчилик сабаб, туғруқхоналарда камқон оналар учраса кам таъминланганлик рўкач қилинади.

Аслида кейинги пайтда оиланинг бузилишига бизнинг ўзимиз айбдормиз. Масалан, яқинда қабулимизга бир аёл кўз ёши қилиб келди. Икки ўғилларини бир йўла уйлантираётган эканлар. Икки келинга тўй қўйлагини прокатга олиш учун 4 минг — 5 минг пул керак экан. Икки кун умумий вақти 10 соат кийиладиган кўйлаклар учун шунча пул сарфланса. Устига устак, минг хил одам кийганичи. Уни ўрнига оқ крепдешин, турли атласдан «никоҳ кўйлаги» тиктирсак бўлмайдими? Бу ҳол бизнинг «кўз-кўз» тўйларимизга сарф қилаётган беҳуда маблағимизнинг юздан бири холос.

Уйланаётган йигит тўйидан 1 ой аввал бензин тўплайди. Чунки ЗАГСга борадиган 8-10 та «Волга»ларга ёқилғи керак. Қабулимизга келган бир отахон 2-3 соатлик ЗАГС маросими учун минг-минг пули кетганини ачиниб гапирди. Тўйдан кейинги қарз эса 15-20 минг сўмни ташкил этибди. 20-30 талаб ЗАГСга борадиган бекорчи гувоҳларнинг нима даркори бор. ЗАГСга борадиган енгил машиналар сони 2 тадан ошмаса гувоҳликка бир неча энг яқин дўст ва дугоналарига таклиф этилса чиройлироқ бўлмайдими? Ана шу тўйдан сўнг минг пушаймон билан гапирган отахонни мундайроқ, енг учида қилинадиган тўйга ғурури йўл бермаган. Еганичани ичига тушмаётган, ётса ҳам турса ҳам бўйнидаги қарзни ўйлаётган оилада хотиржамлик, файз-барака кетди деяверинг.

Тўй, чарлар, қиз оши, никоҳ, тўй келди, қозон қурди, маслаҳат оши, куёв чарлар, маркалар каби маросимлар ошиқча сарф-харажатлар манбаи бўлиб қолди. Ўзимизга ўзимиз муаммо ясайдиган, хотиржамликни ташвишга айлантирадиган бўлиб қолдик. Ахир аждодларимиз борига шукур қилиб ҳашаматлардан қочишган. Кейинги пайтда эркак-аёл, йигит-қиз кийим кийиш урфига берилиб кетди. Кўпчилик ёшлар китоб ўқимай қўйди. Бу аҳволда

• Дилдаги гаплар

эртага нима бўлади. Президентимиз таъкидлаганларидек: «Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг кучқудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди».

Салор шаҳарчасида истиқомат қилаётган бир бахтсиз келинчакдан изтиробга тўла хат олдик: «Ушбу бой-бадавлат оилага иккинчи келин бўлиб тушдим. Бир ойдан кейиноқ бизнинг камтарона оиламиз билан бу оила ўртасидаги фарқ билина бошлади. Отам ишчи, онам ўқитувчи. Мен теги кўрмаган эмишман. Бир ўғиллик бўлдигу ажралишдик. Чунки бу оилада инсон қадр-қимматидан бойлик юқори туради. «Бойвачча» ўғил яна уйланди, яна ажрашди. Ҳозир кўп ичадиган бўлиб қолди».

30-40 сидра қилинадиган сарполарга келсак, яна боши берк кўчага кириб қоламиз. Сарполарни кўз-кўз қилиб кўрсатиш, баъзан омонат қилиш, видеоларга олиш кўп бўлаяпти. Ундан кўра қизларимизни билимли, одобли, маданиятли, рўзғор биладиган, ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялайлик.

Мебель олиш муаммоси. Бу муаммога ҳам ўзимиз сабабчимиз. Бир якин танишимиз келин олди. Келин томон мебель қилмади: қўл калталик қилдими, топиша олмадими? Нима эмиш, келиннинг уйи файзсиз эмиш. Ахир савлатли мебеллар орасида нозик-ниҳол келинни файзи билинмай қолади-да. Кўша-кўша сарполар, юмшоқ мебеллар, гилам-поёндозлар, зеб-зийнатлар болаларимиз тарбиясини бузмоқда. Уларни безатилган кошоналарга ўтқазиб қўйиб, улардан яна камтарлик, меҳнатсеварлик кутамизми?

Тўғри, ҳаммамиз шу фарзандларни деб яшаяпмиз, топган тутганимиз ҳам шуларники. Орзу-ҳавас инсонга хос фазилат. Фаровон яшашнинг айби йўқ. Лекин ҳаётда меъёр деган тушунча ҳам бор.

Мустақилликка эришган юртимиз тўрт йилдирки, янгиланиш ва яратиш йўлидан бораяпти. Биз аёллар бу улуғвор ишларга нафақат меҳнатимиз билан, балки ақл-идрокимиз, ҳаётга бўлган оқилона муносабатимиз билан ҳам катта ҳисса қўшишимиз керак. Чунки янгиланаётган жамиятда инсон тафаккури ва дунёқараши ҳам янгиланиши табиий ҳолдир. Келинглар, азизлар, миллий урф-одатларимизни сақлаган ҳолда, тўйларимизни ихчам ва камхарж, чиройли қилиб ўтказайлик. Асосий эътиборимиз бўлажак келин-куёвлар сарпосига, дабдабали тўй-хашамларга эмас, балки уларнинг тарбиясига, келгусида ватанимиз равнақига қандай ҳисса қўшишларига қаратилса айни муддао бўларди.

Бибихон ШЕРАЛИЕВА,
Қибрай тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси,
туман ҳокими муовини.

Биноий: «Тушлар таъбири»

ИБН СИЙРИЙН АЙТИБДУРЛАРКИМ...

• Ҳар ким тушида юз-кўлини тиниқ сув билан ювса, ғам-андуҳдан нажот топгай. Бемор бўлса шифо топгай. Қарздор бўлса қарзидан кутилгай.

• Ҳар ким тушида сутни кўрса ёки ичса унга мол ва неъмат ғойибдан ҳосил бўлгай.

• Ҳар ким тушида пишган ва ширин ўрикни еса, унга еган ўриги миқдорида тилло танга насиб этгай. Агар ўрик аччиқ бўлса, бунинг акси бўлгай.

• Ҳар ким тушида мушукни кўрса, маълум мушук бўлса уйига маълум ўғри келгай, номаълум мушук бўлса номаълум ўғри келгай. Мушук уйдаги бирор нарсадан еса, ўғри молидан олгай, ея олмаса, ўғри молдан ололмагай.

• Ҳар ким тушида райҳоннинг гуркираб турганини кўрса, Аллоҳ унга фарзанд ато қилгай. Агар райҳонни узиб олса, андуҳ кўргай.

• Ҳар ким тушида ноғора ёки танбурни хурсанд бўлиб чалса, ғам-андуҳ кўргай. Агар танбурни синдирса гуноҳига тавба килгай.

• Агар киши тушида типратикан кўрса, душманга дучор бўлгай. Уни ўлдирса, душмандан халос бўлгай.

• Ҳар ким тушида қовунни кўрса ёки еса андак беморлик кўргай ва барвақт яхши бўлгай.

• Ҳар ким тушида бодринг кўрса ва еса хушнуд бўлгай.

• Ҳар ким тушида хурсанд бўлса, ўнгида ғам-андуҳ кўргай.

• Ҳар ким тушида қоронғу кечани кўрса, далил бўлгайки, ғам-андуҳ етгай. Агар ойдин юлдузларни равшанлик ҳолида кўрса хурсандчиликка далолат қилгай.

Пазандалик

УНУТИЛГАН ТАОМЛАР

Бир вақтлар эндигина кўзи ёриган аёлга кампирлар дарров атала пиширib беришарди. Кўчадан йўталиб келган бола бир коса умоч оши ичиб, ўраниб ётса тузалиб кетарди. Сигирлари сут бера бошлаган хонадонда болалар «энди ўғиз оши ичамиз» дея қувонишарди. Эндиликда кўпчилик энг тансиқ, энг хуштаъм, киши саломатлиги учун энг фойдали бўлган бундай таомларни пиширish тугул ҳатто номларинямм унутиб юборишган. Ваҳоланки, бундай таомларни тайёрлаш унчалик қийин эмас...

АТАЛА

Тоғорачага ун солиб, совуқ сув қуйиб, қуюқ-суюқлигини қаймокдек қилиб аталайсиз. Аталаш вақтида тугунчалар ҳосил бўлмаслигига эътибор беринг. Қозонга қўй ёғи ёки сариёғ солиб қиздириб, пиёзни қовурасиз. Сўнг бир стакан сув қуйиб қайнатинг ва аталанган унни қуйиб капгир билан тез-тез кавлаб пиширасиз, акс ҳолда таом қозонга ёпишиб, куйинди ҳиди келиши мумкин. Қўй ёғида пиширсангиз жиззасини олмайсиз. Сариёғда пиширсангиз уни илгари аталаб олмасдан пиёз билан ёғда қовуриб, сўнг сув қуйиб пиширсангиз ҳам бўлади

Атала учун: ярим кило ун, бир стакан ёғ, 2-3 бош пиёз, таъбга кўра туз солинади.

УМОЧ ОШИ

Сирли тоғорачага ун солиб, ярим стакан намакоб қуйинг ва иккала кафтингиз билан нўхат катталигида тугунчалар ясанг. Тугунчаларни супрага ёйиб, устига ун сепиб олиб қўясиз. Қўй ёғи ва гўштини нўхатдек келадиган қилиб тўғраб қозонда эритасиз ва жиззасини олмасдан гўштни соласиз, сўнг майда тўғралган пиёз солиб қизаргунча қовурасиз. Қозонга сув, туз ва зираворлар солиб қайнатасиз. 7-8 минут ўтгач умочларни солиб пиширасиз. Тайёр таом дастурхонга косаларда тортилади.

Умочга: бир пиёла ун, бир парча лахм гўшт, ярим стакан ёғ, 2-3 бош пиёз, бир дона қизил қалампир, лавр япроғи ва туз керак.

ЎҒИЗ ОШИ

Думба ёғини доғлаб пиёз солиб қовурасиз. Сўнгра қозонга бироз сув қуйиб, оқшоқ (ёки гуруч) соласиз. Қозондаги овқат қайнаб, оқшоқ пишгач, ўғиз сутини қуясиз. Таом қайнаб ўғиз бурда-бурда бўлиб ивигандан оловдан олиб туз ва озғина седана солиб юборинг. Ўғиз ошини косаларда дастурхонга иссиқлигида тортасиз.

Ўғиз учун: 2 литр ўғиз сути, ярим стакан оқшоқ (ёки гуруч), 50 грамм думбаёғ, 2 бош пиёз, таъбга кўра туз, 1 чойқошиқ седана солинади.

«БЕЛИДА БЕЛБОҒИ БЎЛСИН ЙИГИТНИНГ» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

ТУН... Бешафқат шамол кўзимга уйқу бермай деразамни такрор-такрор чертиб ўтаяпти. Уйқусизлик, узундан-узун ҳаёл азоб бериб эй, муҳаббат, сени эслашга мажбур қилаяпти...

Ишқ, севги, муҳаббат — бу уч оқимдир. Аммо уч томондан жилғаланиб бир дарёга қуйилган уммон. Қўлимга дардкаш қаламимни олиб муҳаббатдан сўз очдим. Ул

• Акс-садо

туйғунинг дил-лардаги силси-ласи-ю, лаззати жиҳатидан сўз очмоқ галини дугонажонлар, сизлар ҳукмингизга ҳавола этмакка жазм қилдим.

Бу ҳаётнинг кечмишлари кўп. Тақдир минг бир синоат ичра аён. Аввало булутли, ёмғирли, ойдинли, қуёшли кунларни ҳадя қилувчи табиат кўнглингизга муҳаббат уруғини қадабдими, ул уруғдан ниҳол унсин!

***

Дўппи кийган, белида белбоғ,
Мени севган, севилган йигит.
Висолидан димоғларим чоғ,
Узмасмикан у мендан умид.

Дўппи кийган, белида белбоғ,
Ишқ оташи кўзида чақнар.
У бахтимга бўлсин омон, соғ,
Қомати ҳам менга хуш ёқар.

Дўппи кийган, белида белбоғ,
Меҳнатсевар, сода, ёш деҳқон.
У тушурмас юрагимга доғ
Майли, бўлсин кўксимга қалқон.

Дўппи кийган, белида белбоғ,
Куч ёғилиб турар билакдан.
Меҳнатидан гуллайди тупроқ,
Севиб қолдим, уни юракдан.

Дўппи кийган, белида белбоғ,
Омон бўлсин йигит бахтимга.
«Оқ олтин»дан яратаркан тоғ,
Мен ҳам содиқ севги, аҳдимга.

Гули ЖАҲОН.



• Ногаҳон чулғаса ширин бир хаёл,
Энг тотли дамлардан хотира сўзлаб,
Қайтадан нурланиб куларкан иқбол,
Меҳрга тўларкан соғинчли кўзлар.

Даврон АҲМАД
сурат-лавҳаси.

ҚАЙ БИР РАНГ СИЗ УЧУН МОС?

БАЪЗИДА энг сўнгги урфда тикдирган кўйлагимиз нима учундир кўнглимизга ўтиришмайди. Балки ҳамма гап матонинг рангидадир. Кўйлак ёки костюм учун мато танлаётганда андаккина шошмаслигимиз зарурмикин. Либоснинг қай фасонда тикилишигина эмас, балки йил фаслини, ёшни, қадди-қоматнинг кўйлакка мос тушиш-тушмаслигини ҳам ўйлаб кўришга тўғри келади. Бу ҳақда чет эллик либос усталари мана бундай фикр юритишади:

— Қора ранг тантанали маросимлар учун қулай. У ҳаммага, айниқса, терисининг ранги очиқ аёлларга кўпроқ ярашади. Қора ранг сариқ, яшил ва оқ ранглар билан уйғунлашади. Бундай рангдаги либослар ёш қизларга жуда ўтиришади, бу ранг ўрта ёшлиларни ҳам жуда улуғвор кўрсатади.

— Жигарранг либослар ўрта ёшдаги аёллар учун айниқса боп-дир. Қахваранг ёки қўнғирранга мойил мато эса териси оқиш аёлларга жуда ярашади. Ўрта ёшдаги аёлларга жигарранг сўзсиз кўпроқ ёқиши турган гап.

— Яшил рангни илгарилари асоссиз равишда хосиятсиз деб билишарди. Бироқ оч сариққа монанд бўлган яшил рангли мато ҳам юзнинг табиий рангини соф ва енгил кўрсатар экан.

— Қизил ранг аввалдан ёшлар учун мўлжалланган. Унинг муваффақиятли кўриниши оқ ва зангори ранглар билан уйғунлашувидир.

— Сариқ рангни эҳтиёт бўлиб танлаш лозим. У ёз ойларида қорайган баданни алоҳида бўрттириб кўрсатади.

— Кўк ранг кундалик хизмат учун мос. Оқ ранг билан уйғунлашган бундай либослар ҳар қандай аёлни гўзаллаштириб юборади.

— Оқ — ранглар маликаси. У қандай либос бўлмасин, ораста кўринади. Сал бўғилган, сариққа мойил ранг эса ёши ўтинқираган аёлларга қулайдир.

ҚИЗИЛ АТИРГУЛ

Йирик, ранги қип-қизил, иси ўткир атиргул энг яхшидир. Шифо учун ишлатиладиган атиргулнинг ғунчаси ёки ҳали очилиб улгурмагани танланади. Чунки айни шундайлигида унинг шифобахшлик таъсири кучлидир.

Иситмадан боши оғриб турган бемор янги узилган

• Халқ табобати

қизил атиргулнинг гул баргларини пешонасига босса оғриқ тарқайди. Гул-барглари осилиб қайнатилган шарбат тиш ва милкларни мустаҳкамлайди, янги узилган гулбарглари ёки қуритилгани билан тиш ишқаса, оғиздаги тошмалар йўқолади. Гулни ҳидлаганда у юрак ва мияга таъсир этиб, бу аъзолар ишини бир маромга солади.

Атиргул барглари истеъмол қилинганда юрак, ўпка, ошқозон, жигар, буйрак ва ичакни, шунингдек, бачадон, йўғон ичак фаолиятини яхшилайди. Қон тупуришни йўқотади. Атиргул барглари эзиб солинган сув ёки қайнатмаси ичилса, иситмадан зўриққан юрак уришини камайтиради. У юрак заифлашиши сабаблари ҳушдан кетаётган одамга ҳам фойда қилади. Иссиқлаб ич ўтганда ичилган атиргул қайнатмаси ични қотиради. Бордию қизил атиргулнинг ғунчалигида гулбарглари шундайлигича истеъмол қилинса, у сурги вазифасини ўтайди.

Тикан, зирапча ёки ўткир учли нарсалар кириб қолган ерга қизил атиргул барглари қўйилса, суғуриб олиш осонлашади.

ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ЖАНОБИ ТАДБИРКОРЛАР!

Сизнинг қўшимча
ДАРОМАДИНГИЗ ишлаб чиқариш чиқиндиларидан бўлишини хоҳлайсизми,
МАРҲАМАТ:

Самолёт, трактор ва автомашина шиналари; ишлатилган мой; мойларнинг майда ушоқлари; иншоотларни тозалашдан чиққан чиқитлар; синмайдиган ойна бўлаклари; магнийли қотишмаларни эритганда тушган шлаклар; салфеткалар; артиш материаллари (мой ва елим тегиб ифлосланган); ишлатилган сайқаллаш айланалари; қумли қуюв қолиплари бўлаклари; сопол қолиплари бўлаклари; стерженли қоришмаларнинг бўлаклари; тигллар; чўмичларнинг ишлатилган футировкаси ва кукунли бўёқлари; ўзида шлаклар ва рангли металларнинг чанглари бўлган вентиляция тизимининг чиқиндилари; оҳак чиқиндилари; арзамит чиқиндилари; диабазолли кукунлар чиқиндиси; хром чиқиндилари; шиша пластикаси бўлаклари.

Почта жўнатмалари учун манзилгоҳ: 700000, Тошкент шаҳри, 17-абонент қутиси.

ОФИС: ТНИИАТ, метронинг "Чкалов" бекати, "ТАПОиЧ"га кираверишда, ички телефон: 72-58, 39-39-20. Телефакс: (3712) 44-29-97, 68-03-15. Телефонограммалар учун телефон: 37-12 (67-18-65).

Бўстонлиқ тумани Чорбоғ қўрғони-Угам дарёси бўйида жойлашган ҳамма шароити бор ДАЛА ҲОВЛИ СОТИЛАДИ ТЕЛЕФОН: 44-893 (соат 18.00 дан кейин).

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48. Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0385. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 22.00. 1 2 3 4 5 6.